


КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ҚОМУСИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Куйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):
 - а) аёллар;
 - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
 - в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
 - г) чет давлат фуқаролари.
2. Эҳтиётсизлик оқсидида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукми қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.
3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўққизлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукми қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукми этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.
6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукми қилиниб, ушбу Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кам бўлган шахслар манзил-колонияга ўтказилсин.
7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.
8. Татбиқ этилмасин:
 - а) ушбу Қарорнинг амал қилиши – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукми қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;
 - б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;
 - в) ушбу Қарор 1-4, 6 ва 7-бандларининг амал қилиши – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;
 - г) ушбу Қарор 4-6-бандларининг амал қилиши – муқаддам амнистия бўйича жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.
9. Сенатнинг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.
10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.
11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.Собиров

Тошкент шаҳри,
2011 йил 5 декабр.

Нафосат маликалари



2

5



Матонатли йигит

Вера Менькова:
"Ўзбекистон —
менинг
Ватаним!"

8



14



ОДАМГАРЧИНИК

Ушбу номиний тўғрлар билан адилтирилди!

Гўзаллик ва нафосат маликалари

Шарқда азал-азалдан аёл келажак пойдеворини яратувчи зот сифатида қад-рланган, эъзозланган. Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва маъқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда аёллар нафақат оилادا меҳрибон она, оқила бека, тарбиячи, балки жамият фаолиятида ҳам энг фаол

лар кенгаши" жамоат бирлашмаси томонидан "Йил аёли — 2011" танловининг Тошкент вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказган вилоят босқичи гоёт қизиқарли руҳда кечди. Шунингдек, танлов дастури доирасида аёлларда кўрак беги саратони касаллигининг олдини олиш ва диагностика қилиш мақсадида уюштирилган "Ишон, биз ёнингдамиз!" деб номланган ижтимоий акция ҳамда шундай хасталикка чалинганларнинг "Хаёт учун" уюшмаси томо-

«ЙИЛ АЁЛИ — 2011»



нидан Чирчиқ шаҳри, Қибрай туманида ўтказилган тиббий кўриклар аҳамияти хусусида ҳам ахборот берилди.

Нихоят, ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Чунки вилоят босқичига етиб келган 31 нафар иштирокчининг деярли барчаси голибликка муносиб эканликларини намойиш эта олишди. Нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан бир овоздан Юқори Чирчиқ туманида фаолият юритаётган тadbиркор Гулчехра Утбосарова "Йил аёли — 2011" танловининг Тошкент вилоят босқичи голибаси деб эълон қилиниб, у ҳал қилувчи синовларга йўланма олди.

Тadbирда Тошкент вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.



Бугунги кунда аёллар нафақат оилادا меҳрибон она, оқила бека, тарбиячи, балки жамият фаолиятида ҳам энг фаол қатлам вакиллари сифатида ҳам ўзларини намоён этаётганига гувоҳимиз. Шу маънода ҳар йили республика миқёсда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йил аёли" миллий танлови хотин-қизларнинг ҳар икки жабҳа — оила ва жамиятдаги фаоллигини оширишда ўзига хос сино вазифасини ўтамоқда.

Кунни кеча "Аёл-

Ҳар нарсадан устун қадрият

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси шахснинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликлари тўла мужассам этилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришганидан кейин қўшилган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлган эди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган бўлиб, бугунги кунда 360 дан ортиқ тилда чоп этилган ва жаҳондаги энг кўп таржима қилинадиган ҳужжат саналади. Декларация кўплаб мустақил давлатлар конституциялари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, унинг 1-моддасида "Барча одамлар ўз қадри-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар" дея таъкидланган бўлиб, ушбу қоида қарийб бутун сайёраимиз учун универсал меъёрга айланиб улгурган.

Мамлакатимизда ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларини миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш бўйича бир қатор чора-тadbирлар амалга оширилди, маъруз халқаро ҳужжат қоидалари Ўзбекистон Конституцияси, миллий қонунчиликда ўз ифодасини топди. Фақат шугина эмас, балки ушбу меъёрлар қундалик ҳаётимизга ҳам мунтазам равишда татбиқ этиб келинмоқда. Масалан, декларациянинг 25-моддасида "Оналик ва болалик алоҳида гамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради", дейилади. Ҳеч кимга сир эмаски, бу борадаги ишлар бизда давлат сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши халқаро муносабатлар ривожига қанчалик муҳим воқеа бўлган бўлса, маъруз халқаро ҳужжат меъёрларининг миллий қонунчилигимиз замирига сингдириб юборилиши ҳам халқимиз ҳаётида шунчалик аҳамият касб этди. Бинобарин, мустақил Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун қадрият сифатида қаралади.

Гулчехра ҚҮЛДОШЕВА,
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман
2-сонли ДНИ нотариуси.

Орзу-умидларимиз ифодаси

Инсоният яралибдики, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш учун курашиб келади. Узоқ асрлик курашлар асосида инсон манфаатлари олий қадрият сифатида шаклланди. Жамият тараққиёти натижасида вужудга келган ҳуқуқий ҳужжатлар, энг аввало, инсон манфаатлари ва эркинликлари, ҳуқуқлари ва бурчларини ўзида мужассамлаштирди. Хусусан, Бош Қомусимизни ҳам халқимизнинг орзу-умидлари ифодаси дейишимиз мумкин.

Асосий Қонунимизнинг 2-моддасида "**Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади**", дея таъкидланган. Бугунги кунда мамлакатимизда ана шундай тамойиллар асосида иш юритилаётганига барчамиз гувоҳимиз. Амалга оширилаётган ички ислохотлар, бунёдкорлик ишлари, демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги эришилаётган ютуқларимиз моҳиятида, шунингдек, онгу шууримиздаги ўзгаришлар, турмушимиздаги тўқинлик-фаровонликлар замирида ҳам Бош Қомусимизнинг қоида ва талаблари мужассам.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, меҳнат фаолиятида юксак марраларга эришиб, бахтли ҳаёт кечирини истаган ҳар бир юртдошимиз қонунларга катта ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиши, ҳуқуқий билимини кенгайтириб, қонун устуворлигини таъминлашга ўз хиссасини қўшиши лозим. Конституциямизда белгилаб берилган қоида ва принципларга эътибор билан муносабатда бўладиган фуқаролар умр йўлларида қоқилмай, ишлари бароридан келишини ҳаётнинг ўзи исбот-лаяпти. Шу босис мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни тубдан яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий билимини юксалтириш асосий вазифалардан бирига айланган. Бу муҳим ишни амалга оширишда адлия идоралари, туман ҳокимликлари, хотин-қизлар кўмиталари вакиллари, маҳалла фаоллари, ўқув даргоҳлари жамоаси яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Тарғибот-ташвиқот тadbирларида халқимиз қалбида бахтимиз қомуси бўлмиш Асосий Қонунимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиромни янада кучайтиришга эътибор қаратилаётди.

Донохон ИШОНОВА,
Шайхонтоҳур туман 1-сонли ДНИ катта нотариуси.

Мамлакатимиз иқтисодий-теъининг ривожланиб, халқимиз ҳаётининг фаровонлашиб бориши автомобилларнинг кўпайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминлашга, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга эътиборни янада кучайтиришни тақозо қилади.

Маълумотларга кўра, Ер юзиде йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида йилга 1,5 миллионга яқин киши ҳалок бўлмоқда, жароҳатланганлар эса бундан 20-30 марта кўп. Кўрилатган зарар эса мамлакатлар миллий даромадининг 2-4 фоизини ташкил этади. Ҳатто уруш ва табиий

Йўл қондаси — умр фойдасими?

ёхуд ҳайдовчи ва инспекторлар мулоқоти чекланмоқда

офатлар натижасида ҳам бундай талофат кўрилмаган экан. Табиийки, йўл-транспорт ҳодисалари юртимиз иқтисодийётига ҳам жуда катта зарар етказмоқда.

Мамлакатимизда 2011 йилнинг 10 ойи давомида 8558 та йўл-транспорт ҳодисаси рўйхатга олинган бўлиб, уларда 1758 нафар киши ҳалок бўлган, 9062 нафар киши эса тан жароҳати олган. Ҳодисалар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14 тага ёки 0,2 фоизга, жа-

роҳатланганлар сони 184 тага ёки 2,0 фоизга камайган.

Йўлларда ҳаракатланиши назорат қилиш вақтида ўтган давр мобайнида жами 3334241 та қоидабузарлик аниқланган (2010 йили — 3927225 та). Хусусан, 1341308 та (2010 йили — 1524706 та) кўпол қоидабузарлик аниқланиб, шундан 49357 та (2010 йили — 60670 та) ҳолатда транспорт воситаси маст ҳолда бошқарилган.

Ҳозирги кунда қоидабузар-

ликларни аниқлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида замонавий, янги техник воситалардан фойдаланилмоқда. Жумладан, "Крис П" номли фоторадар ва "Арена" номли автомобилга ўрнатилган видео ва радар мосламалари ЙПХ инспекторлари билан ҳаракат қатнашчилари ўртасидаги мулоқотни имкон қадар чекламоқда.

Йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олишда тарғибот-ташви-



ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

Унутилмас учрашув

Тошкент давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейида бир гуруҳ санъат арбоблари билан учрашув бўлиб ўтди.

Тadbирга Ўзбек Давлат драма театри актёр ва актрисалари, жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Азиза Бегматова ва Баҳодир Мирмаҳмудов, Тамара Мирмаҳмудова, шунингдек, Севара Ҳайдарова ҳамда Сардор Мансуровлар ташриф буюришди. Улар Ўзбек Давлат драма театри тарихи, ҳозирги кундаги фаолияти ва репертуари, шу даргоҳда ижод қилган таниқли санъаткорлар ҳақида сўзлаб беришди. Спектакллардан парчалар ижро этиб, ўқувчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

— 2011-2012 ўқув йили учун мўлжалланган маданий тadbирлар режаси ишлаб чиқилган, — дейди ташкилотчилардан бири Фаёз Кўшоев. — "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва етакчилар кенгаши, турли жамоа ташкилотлари ҳамда ҳудуддаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳамкорлигида ижодий учрашувлар ташкил этмоқдамиз. Адабиётга, санъатга ошувта одамнинг маънавияти юксак бўлади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, юксак маънавият — енгилмас қудир!

Мадина САБРИЕВА

Меҳр-мурувват — инсон зийнати!

Юртимизнинг барча ҳудудларида ҳар кун бир қатор хайрия ишлари амалга оширилмоқда, десак муболага бўлмайди. Яқинда Тошкент шаҳар Сергели туманидаги "Бахт Днёв" ресторанида Халқаро ногиронлар кўнига бағишлаб "Меҳр-мурувват — инсон зийнати" шифори остида яна бир шундай хайри тadbир бўлиб ўтди.

Тadbирда тумандаги "Меҳрибонлик" жамияти, АРЛА ногиронларнинг ижтимоий кўллаб-қувватлаш маркази, кўзи ожизлар ногиронлар жамияти, Черногели туманидаги жамияти, 33-сонли ёрдамчи махсус мактаб тарбияланувчилари ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилаётган 420 шифардан зиёд турли тоифадаги ногиронлар тақлиф қилинди.

Тумандаги 17-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларининг таэквандо бўйича кўргазмали чиқишлари, "Карвон" халқ кўйичроқ театрининг миллий рақс томошалари, ёш истеъодли хонандаларнинг ватанпарварлик қўшиқлари хайрия тadbирига ўзгача шухуқ бағишлади.

Баҳодир ҲАЙИТМЕТОВ,
Маънавият тарғибот марказининг
Сергели туман бўлими раҳбари.

ЖАРАЁН

кот ишларининг ҳам муҳим роли борлиги инобатга олиниб, мутахассислар билан ҳамкорликда «Тарғибот автокарвони» ўтказиб келинаётди. Шунингдек, ҳар йили ёзда болалар орасида «Таътил» тadbiri, 2 сентябрдан 12 сентябрга қадар «Диққат, болалар!» тadbiri ташкил этилади. Автомобиль йўлларида ва ўқув муассасалари атрофида «Йўл ҳаракати қоидалари» ва ҳаракатланиш хавфсизлигини тарғиб қилувчи панно ва баннерлар ўрнатилаяпти.

Турдикул НОРМАТОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида алоҳида таъкидлаганидек, "Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни ҳолисана баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам огишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда".

ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларидан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги (19-модда); фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг кафолатлиши (22-модда); ҳеч кимнинг қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ва қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги (25-модда); жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча, айбдор ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар-

да; ҳамма судларда ишларнинг очик кўрилиши (113-модда); айбланувчининг ҳимоялиши ҳуқуқи билан таъминланиши (116-модда) каби тамойиллар мустаҳкамланган.

Асосий қонунимиз бўлган Конституция ҳамда янги Жиноят процессуал кодекси (ЖПК)нинг 2-боби жиноят процесси принципларининг демократик моҳиятини янада чуқурлаштирди ва бойитди, уларнинг қўлланиш доирасини кенгайттирди, айрим асослар таърифи тақомиллаштирди, принципларнинг кафолатли таъминланишини мустаҳкамлади. Амалдаги ЖПКда қуйидаги де-

да текшириш (26-модда); процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи (27-модда).

Жиноят процессининг принциплари собик иттифоқ давридаги жиноят-процессуал қонун-


цессуал принциплар ҳозирги вақтда бошқа процессуал фанлар, шунингдек, умумий ҳуқуқ назариясида ҳам фаол тадқиқ этилмоқда.

Бир замонлар, эслайлик, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва жиноят судлов ишларининг асосий мақсади жиноятчиликка қарши кураш бўлган, энг ачинарлиси, баъзи ҳолларда бунга эришиш учун ҳар қандай воситалардан фойдаланилган. Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши кураш органлари тизимига суд ҳам киритилган эди.

Амалдаги ЖПКнинг 14-моддасида одил судловни амалга оширишда судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниб иш юритиши, ЖПКнинг 22-моддасида эса айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал этиш вазифаларининг бир-биридан ажратилганлиги таъкидланган, яъни бугунги қонунда суд жинорий таъкиб органи эмас. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар олдига ҳам жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги қатъий талаблар билан бир қаторда уларнинг олдини олиш чораларини кўриш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жаза берилиши, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги учун қонуннинг тўғри таъбиқ этилишини таъминлаш каби вазифалар қўйилган.

Шуниси эътиборлики, бугунги кунда давлат органлари ўз фаолиятининг асосий йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида белгилаб қўйилган инсон, унинг ҳаёти, эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларининг ҳимоя қилишга қаратаётганлиги мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида муҳим аҳамиятга эгадир.

Гулчехра ТўЛАГАНОВА,
Тошкент давлат юридик
институтини доценти,
юридик фанлар доктори



ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Шу нуқтаи назардан қараганда, жиноят судлов ишлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар"га бағишланган VII боби ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти" деб номланган XXII бобидаги қондалар биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VII бобида фуқароларнинг жиноят судлов ишларини юритишда, энг аввало, жиноят-процессуал мажбурилов орқали екланиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар мустаҳкамланган ҳамда кафолатланган. Ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлиги (25-модда), ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовулардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимоялиши, тураржойи дахлсизлиги (27-модда), тураржойини ўзгартириш (28-модда) каби ҳуқуқларининг кафолатлиши шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча бобларида жиноят судлов соҳасига ва бевосита жиноят-процессуал мажбурилов чораларига алоқадор қондалар

нинг таъминлаб берилиши (26-модда); ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг тураржойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириш, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошқор қилиши мумкин эмаслиги (27-модда); ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланганлиги (44-модда); мулкдорнинг фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкинлиги (53-модда) тўғрисидаги энг демократик нормалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXII бобида суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақил ҳолда иш юритиши (106-модда); факултада судлар тузишга йўл қўйилмаслиги (107-модда); судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги (112-мод-

макротик принциплар ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, қонунийлик (11-модда); одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши (12-модда); жиноят ишларини ҳайъатда ва яқка тартибда кўриб чиқиш (13-модда); судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунлиши (14-модда); жиноят ишини кўзғатишнинг муқаррарлиги (15-модда); одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш (16-модда); шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш (17-модда); фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш (18-модда); судда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши (19-модда); жиноят ишлари юритилмаган тил (20-модда); жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки (21-модда); ҳақиқатни аниқлаш (22-модда); айбсизлик презумпцияси (23-модда); гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоялиши ҳуқуқи билан таъминлаш (24-модда); судда ишларни юритишда тортишув (25-модда); далилларни бевосита ва оғзаки усул-

чилиқда ҳам ўз аксини топган, лекин улар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш мақсадларини кўзламас эди. Соҳавий қонунчилик маълум сабабларга кўра ҳуқуқий принципларга етарлича эътибор берилмаган, улар алоҳида модда-принципларга ажратилмаган, бошқа ички ва учинчи даражали ҳуқуқий нормалар билан николашга ҳамда уларнинг кўпчилиги ичида қориштириб юборишга ҳаракат қилинган эди. Норматив-ҳуқуқий актларнинг бундай юридик-техник лойиҳаси ҳуқуққа очикчасига лоқайд муносабатда бўлиш билан қўшилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига, ҳуқуқнинг умумий маъноси ҳамда ижтимоий аҳамиятини бузиб кўрсатишга олиб келган.

Жиноят процесси принципларининг миллий қонунчилик ва бошқа МДХ давлатлари қонунчилигида мустаҳкамланганлиги ушбу принципларнинг тизими ҳақида хулосалар чиқаришга имкон бермоқда. Шу сабабли сўнги йилларда жиноят процесси принципларини тизимига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Про-

Ҳеч қачон ютқазмаймиз

Миллий қонунчилигимиз асоси бўлмиш Конституциянинг иккинчи бобида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқи, эркинликлари кафолатланган ҳолда, инсонларнинг эркин бўлиши ва бахтли яшashi учун зарур барча ҳуқуқлар белгилаб берилган. Конституцияимизнинг 29-моддасида эса фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, маълумот олиш ҳуқуқи кафолатланган. Бундан шуни англашимиз мумкинки, ҳар бир шахс ўзи тафаккур қилганидек яшаш ва фаолият юритиши билан бирга, амалдаги қонун-қондаларга ҳам амал қилиши лозим.

Шу ўринда биз — ёшлар ҳам давлатимизнинг Асосий Қонуни саналган Конституцияда кафолатланган барча ҳақ-ҳуқуқлардан кенг фойдаланган ҳолда, ана шу имкониятларнинг қадрига ҳам етмоғимизни даврининг ўзи талаб қилаётир. Негаки, халқимиз ўз келажагини бизнинг тимсоллимизда кўрар экан, зиммамизга юклатилган вазифа ҳам ниҳоятда қўрворлидир. Энг аввало, бахтли ҳаёт, фаровон турмуш кеңиришимиз бизнинг бу муҳим ҳужжатда белгилаб берилган ҳуқуқларимиздан нечоғли даражада фойдаланишимизга бевосита боғлиқдир. Шу маънода Конституцияимизнинг ҳар бир боби, моддасида қайд этилган вазифа ва мажбуриятларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англашимиз, шунингдек, уларга огишмай амал қилишимизни бугунги тараққиёт замони тақозо этмоқда.

Тўғри, ҳозир техника, тараққиёт асрида яшаймиз. Глобаллашув замонидан тил билиш, ўзга халқлар тарихи, маданияти билан танишиш, халқаро ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларни ўзлаштириш давр талаби саналади. Лекин, шу билан бирга, мустақил давлатимизда қабул қилинаётган қонун ва меъёрий ҳужжатлар, ҳуқуқий асосларни эгаллаш ҳам ниҳоятда долзарб масалалар. Шу маънода, биз фақат мавсумий тарзда эмас, аксинча, йил бўйи Конституцияимизнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўргансак, ҳеч қачон ютқазмаймиз.

Мавлуда БЕКМУРОВА,
Тошкент давлат юридик институтини
3-босқич талабаси.

Миллий анъаналарга ҳамоҳанг

Мамлакатимиз эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан борар экан, шу аснода асл ўзгилгимизга хос одоб-ахлоқ анъаналарини, миллий қадриятларимизни асраб қолишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, оилавий муносабатларни тартибга солиш, эр ва хотиннинг никоҳга ўтиши ёки никоҳдан озод бўлишида юксак инсоний ҳамда шарқона қадриятлар устувордир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам бу жиҳатлар ўз аксини топган. Бош Қомусимизнинг 63-моддасида "Оила жамоатининг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтироий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади", дея белгилаб қўйилган. Оила мустаҳкамлигининг энг муҳим омилларидан бири бўлган ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар ҳам Асосий Қонунда ўз аксини топган. Жумладан, "Ота-оналар ўз фарзандларини воғва етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитиш таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради" (64-модда). "Воғва етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар" (66-модда). Кўриниб турибдики, Конституцияимиз моҳиятида халқимизнинг асрлар мобайнида сақлаб келинган ва улғуланадиган қадриятлари мустаҳкам қонуний асосини топган. Шу маънода, Бош Қомусимиз яна қанча асрлар ўтмасин, ҳар қанча мафқуравий хуржлар бўлмасин, халқимиз орасида миллий маънавиятимиз асосларининг бардавомлигини таъминлаб, янада мустаҳкамлаб бориши шубҳасиз.

Раҳмонали ҒОЙИПОВ,
Наманган вилоят Норин тумани
ФХДЭ бўлими мудири.

ҲУҚУҚ

Кафолат ва камолот

Фарзандлар тақдирига эътибор мамлакатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Миллий қонунчилигимизда ҳам зурриётларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама кафолатланган. Чунончи, Бош Қомусимиз, Оила кодекси, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа қонунларда белгиланган нормалар фикримизнинг яққол далилидир.

Хусусан, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасида "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Бола ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", дея таъкидланади. Конституциявий қондага кўра, "Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналлик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади (65-модда)". Оила кодексининг 148-моддасида кўрсатилгандек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилган.

Бир сўз билан айтганда, миллий қонунчилигимизда акс этган бундай кафолатлар ва уларнинг қундали ҳаётимиздаги таъбиқи ёш авлоднинг жамиятда муносиб ўрин топишга қўмақлашиши шубҳасиз. Зеро, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, пировардида, давлат ва жамият камолотини муҳофаза қилиш демократик.

Шаҳноза ЁҚУБОВА,
Бўқа туман 2-сонли ДНИ нотариуси.

— Мухтарам Юртбошимиз томонидан шундай юксак мукофотга лойиқ кўрилганими, аввало, мамлакатимизда ушбу спорт турига, айниқса, аҳил жамоамиз хизматиға бўлган эътибор намунаси, деб биламан, — дейди биз билан суҳбатда Елена Асланова. — Ишонасизми, бир пайтлар ота-онам гимнастикачи бўлишимни умуман исташмаганди. Машгулотларга яширинча бориб келардим. Уйимиз спорт мактабига жуда яқин эди. Очиғи, спорт залига боришдан хузур олардим, тинмай машқ қилгим келарди. Бу қизиқшимни англаган қариндошларимиз, кўни-кўшилларимиз ота-онамга «Еленани ўз холига қўйинглар, спортчи бўлишнинг нимаси ёмон?», дея қайта-қайта таъкидлаб берганидан сўнггина улар рухсат беришди. Шунда ҳам «Бизнинг авлодимиздан спортчи чиқмаган, яхшиси, иқтисодчи бўлсин», дея таъкидлаб қўйишгани ҳамон ёдимда.

— **Шу боис уларнинг раъйини қайтармаган экансиз-да?**

— Албатта, ота-онани рози қилиш энг улуг ишлардан бири. Самарқанд архитектура ва қурилиш институтининг иқтисод факультетига ўқишга кириб, муваффақиятли тугатдим. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам спортдан ажралганим йўқ.

— **Демак, бугунги кунда спортчи бўлганингиздан сира афсусланмайсиз, тўғрими?**

— Спорт, айнан бадий гимнастика ҳаётимнинг бир бўлагига, мазмунига айланиб қолди десам муболага бўлмайди. Яна бир оддий ҳақиқатни айтиш керак: эсимда, бир пайтлар бундай чиройли кўриниш, либослар, хашаматли заллар қаёқда эди, дейсиз. Кўримсиз, номигагина ишлаб турган спорт иншоотларига борардик. Энди қаранг, маза қилиб ишлагиси келади одамнинг. Ва беҳиш дунё миқёсида номлари эътироф этилаётган ўзбекистонлик гимнастикачи қизларимизни кўриб, ўзимнинг ҳам илк муваффақиятларим эсимга тушади. Қанийди, ёш

Хали саккиз ёшга ҳам тўлиб-тўлмаган қизалоқнинг ота-онаси қаршиликка қарамай, спорт майдончасига югургани, тинимсиз шуғуллангани бир қараганда оддий ҳолат. Бу мурғак қизча ҳам ўша пайти унинг бундай хатти-ҳаракати келгусида қандай меваалар бериши ҳақида ўйламагандир, эҳтимол. Барча тўсқинликларни енгиб, тақдирини спорт билан боғлашга интилган Елена 15 ёшидаёқ спорт устаси бўлишга эришди ва орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўзи шуғулланган, ҳозирги 4-сонли БЎСМда бадий гимнастикадан сабоқ бера бошлади. У бугун ҳам шу даргоҳда фаолият юритмоқда. Ана шу қизалоқ — Елена Асланова ҳозир бадий гимнастика бўйича Самарқанд вилояти миқёсида бош мураббий. Энг қувончлиси, Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан фидойи спорт мураббийи «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Елена АСЛАНОВА:

Гимнастика ҳаётим мазмунига айланган

бўлиб қолсам-у, шуларга ўхшаб юрсам деб бир хўрсиниб қўяман. Лекин шукрона келтираман, чунки энди биз эришолмаган чўққиларга шогирдларимиз етишяпти, мамлакатимиз довруғини таратишяпти.

— **Самарқандда бадий гимнастикага бўлган эътибор қай даражада?**

— Ҳозир нафақат вилоятимиз марказида, балки туман ва қишлоқларда ҳам бу спорт турига бўлган эътибор ниҳоятда кучайиб кетди. Авваллари тортиниб, уялиб юрган қизлар ҳам энди залларга келишяпти. Биргина шу йилнинг ўзида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан бадий гимнастика федерацияси фаолияти ҳамда бу борада эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар атрофлича ўрганилди, соҳада амалга оширилиши лозим ишлар хусусида тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунинг натижаси ўларок, ўзим фаолият юритаётган Саттеподаги ТИП-2 мажмуасига гимнастика билан шуғулланиш учун яна гилам ажратилди, зал таъмирланди. Энг муҳими, ёз ва қиш фаслида ҳам бу ерда машгулотлар ўтказиш қулайлигини таъминлаш мақсадида залимиз махсус



техника билан жиҳозланди. Бундай шароитлар туманларда ҳам яратилгани эътиборга лойиқдир.

— **Устозидан ўтмаган шогирд шогирд эмас, дейишадими...**

— 2005 йилдан бери шогирдларимдан саккиз нафари бадий гимнастика бўйича спорт устаси деган фахрли номга сазовор бўлди. Людмила Повереннова, Мафтуна Шамсиева, Сальге Яглы, Рухшона Эргашева, Юлия Иванова, Мафтуна Кувондикова каби шогирдларим Ўзбе-

кистон, Осиё, жаҳон миқёсидаги нуфузли беллашувларда қувончли натижаларни кўлга киритишяпти. Биргина шу йилнинг ўзида шогирдларим Исроил, Болгария, Бельгия, Қозғистон каби давлатларда ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб қайтишди.

— **Шогирдларингизни бундай нуфузли мусобақаларга тайёрлаш учун қанча вақт сарфлайсиз?**

— Аввало, гимнастикачи бўлман, деган ҳар бир қиз бу ерга

келганидан сўнг бир-икки ой ичида унинг шу спорт турига қай даражада қизиқишини аниқлаб олам. Бъэзиларнинг эгилювчанлиги яхши бўлса, айримлари юқори сакрашда маҳоратлироқ, бошқалари эса чиройли ҳаракатлари билан ажралиб туради. Ҳар бир қизни иқтидорига қараб йўналтираман. Яна бир томони, айнан гимнастика учун яратилган қизлар ҳам бўлади. Улар билан ишлаш, албатта, энгилроқ. Бундай тугма қобилиятли қизларни катта мусобақаларга тайёрлашга икки-уч йил вақт сарфласам, гавда тузилиши, эгилювчанлиги яхши бўлмаганлар билан тўрт-беш йил муттасил шуғулланишимга тўғри келади.

— **Авалло, қизларнинг ўзлари, қолаверса, уларнинг ота-оналари бундай мураккаб синовларга дош бера оляптими? Негаки, тугма гимнастикачиларни ҳар доим учратмайсиз-ку?**

— Биласизми, аксарият ота-оналарнинг қизиқиши ва асосийси, фарзандларига бўлган эътиборини кўриб, жуда хурсанд бўламан. Оддий мисол, мен илк бор мусобақада иштирок этганимда хатто ота-онам ҳам бу ҳақда билишмаган. Бугун эса кўпчилик фарзандларининг ўқишдан ортиб, спорт билан шуғулланиши учун алоҳида вақтини тақсимлаб бераётир, ўзлари ҳам доимий равишда машгулотларда иштирок этишади, қузатишади. Бу жуда яхши одатда!

Дарвоқе, ҳар биримиз бу дунёда фарзандларимизнинг бахти, иқболи бутун бўлмоғини ўйлаб, ширин орзу-умидлар билан яшаймиш. Шундай экан, улар учун шахсан Президентимиз, ҳукуматимиз улкан гамхўрликлар кўрсатиб, руҳлантириб, рағбатлантириб турган бир пайтда ота-оналар ҳам бундай хайрли ташаббусларни тўла қўллаб-қувватлашлари керак.

«Оила ва жамият» муҳбири
Гулрух МЎМИНОВА
суҳбатлашди.
Самарқанд вилояти.

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ НУРОБОД ТУМАН БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ

*мамлакатимиз аҳлини
бахт-иқболимиз пойдевори,
қонуний адолат, инсоний
бағрикенглик мезони бўлмиш
Конституциямиз қабул
қилинган кун муносабати
билан чин дилдан қутлайди!*



ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

...Қўл билан ҳаракатланадиган уч гилдиракли велосипедни устамонлик билан бошқариб келаётган йигитни кўргани заҳоти Шўҳрат Норқобилов машинадан тушиб қўлнинг олди-га борди-да, самимий сўрашиб кетди.

— Бу антика велосипеднинг ихтирочисига ким экан?

— Нимасини айтасиз, бу меннинг кўп йиллик изланишларим асосида яратилган «машина». Ана шу беминнат дастёр энди кунимга ярапти.

— Бошқаришда қийналмайсизми?

— Йўқ, қайтанга оёқ ҳаракатларини қўл бажарса, киши



Эргашали 7-синфда ўқияпти, дарсдан бўш пайтида менга ёрдамлашади...

Бир гапириб, ўн куладиган бу уста йигитнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Ўзи чизган хомаки чизмалар асосида ясаган уч гилдиракли велосипедни моҳирлик билан қўл орқали бошқаради. Тиловмурод айна пайтда мотоцикл, ҳатто автомашина ҳайдашни ҳам пухта эгаллаган. Севимли футбол жамоаси "Насаф"нинг ўзбек футбол тарихида илк бор ОФК кубогини қўлга киритгани миллионлаб мухлислар қатори Тиловмуроднинг ҳам ниҳоятда қувонтирди. Унинг ўзи эса спортнинг армрестлинг тури билан шуғулланади.

МАТОНАТЛИ ЙИГИТ

"Жасорат" медалига муносиб кўрилди

ўзини тетик ва соғлом ҳис этар экан.

— Мен сиз ҳақингизда эшитгандим. Лекин кўришолмадик. Оилада, рўзғорда бирор муаммолар бўлса, бемалол мурожаат қилинг...

Уша кунни Таллимаржон шаҳар ҳокими билан бўлиб ўтган суҳбатдан кейин Тиловмуроднинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Кўп бора гувоҳи бўлганмиз: тўрт мучаси соппа-соғ айрим дангаса кишилар жамиятда бирор-бир ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, олтинга тенг дақиқалар кадрига етмай, умрини беҳуда ўтказиб юради. Улар билан ҳамсуҳбат бўлиб қолсангиз борми, турли баҳоналарни тўқиб ташлайди. Лекин...

Бугунги қахрамонимиз — Тиловмурод Зоиров кўлтиқта-ёқда юрса-да, одамларга, маҳалладошларига кўпроқ нафи тегаётганидан ҳамини кўнгли тоғдек кўтарилди яшайди.

Хушчақчақ, очикўнгли, элдошлари билан кечадиган гурун-мулоқотларда доимо қулиб турадиган Тиловмурод тақдир синовларига болалигидан дучор бўлган эди. У уквусиз бир шифокорнинг арзимас хатоси туфайли нотўғри муолажа олганида эндигина саккиз ойлик чақалоқ бўлган экан. Ота-онаси ҳам фарзандининг ўсиб-улғайганидан сўнггина икки оёғида ҳаракат сустигини сезиб қолишади. Бундай бахтсиз тасодифга учраган ўғлини кўтариб, югурмаган жойлари, кўрсатмаган дўхтирлари қолмайди. На илож, энди кеч, тақдирга тан беришдан бошқа илож йўқ, боласининг жони

омон бўлганига шукрона келтириб яшашади.

Кейинчалик Тиловмурод Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги мактаб-интернатда таҳсил олади. Тўққизинчи синфни тугатгач, ўқишни махсус билим юртида давом эттириб, касибчилик ҳунарини эгаллади. 18 ёшида малакали мутахассис бўлиб Таллимаржон шаҳридаги пойабзал таъмирлаш устаносида иш бошлади.

Қисмат ўйинларига қарши мардона кураша олган матонатли йигит ўзининг беминнат хизмати туфайли обрў-эътибор топди.

— Биласизми, ҳар қандай қувонччи ҳам, ташвишни ҳам одамнинг бир ўзи ҳазм қила олмайди. Айниқса, менга ўхшаган инсонлар тақдирини яхши одамлар катта роль ўйнайди, — дейди Тиловмурод Зоиров. — Ҳеч қачон тақдиримдан нолимайман, майли, бу ҳам Оллоҳнинг бир синови. Ношукрлик қилсам, гуноҳ бўлади. Чунки шу хунарим ортидан қанча дўстлар орттирдим, яхшиликлар кўрдим, албатта, баҳоли қудрат ютуқларга ҳам эришдим. Худода шукр, камтарингина меҳнатим туфайли оилам, рўзғоримни боқаяпман. Ҳаётим мазмунли кечаяпти. Давлатимиз томонидан ҳам катта имкониятлар яратилган, гамхўрликлар кўрсатилаёпти.

Умр йўлдошим Умидахон ҳамини ёнимда, яқиндан кўмак беради, руҳимни кўтаради. Иккимиз бир-биримизга қўшқанот бўлиб тўрт фарзандимизни имкон қадар жамиятимизга нафи тегадиган инсон қилиб тарбияляяпмиз. Тўнғичим

Қарши шаҳрида имконияти чекланганлар ўртасида ўтказилган мусобақада иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади. Бу ютуқ ҳам тақдир синовларини мардондоранг ёнгиб келаётган қахрамонимизнинг ҳаётга, яшашга бўлган ишончини янада оширди, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан ишлаб чиқариш, sanoat, транспорт соҳасида муваффақиятга эришган бир гуруҳ ватандошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Улар орасида Хунармандлар уюшмаси аъзоси Тиловмурод Зоировнинг ҳам «Жасорат» медал билан тақдирлангани бу оддий ва хокисор касиб йигитни билган, таниганларни суюнтириб юборди.

— Турмуш ўртоғимнинг камтарона меҳнатлари инobatга олиниб, шундай шарафли мукофотга лойиқ кўрилганини эшитиб, отаси Мустафоқул бобо, онаси Гулбия ая ҳам боши осмонга етди, — дейди Умидахон Зоирова фаҳрга тўлиб. — Бундай эътибор ва гамхўрлик учун Юртбошимизга минг раҳмат!

Наврўз маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмон Йўлдошев Тиловмуроднинг очикўнглилиги, меҳнатсеварлиги билан бошқаларга намуна бўлиши оила-парварлиги ҳамда саховатпешалиги билан ҳам ажралиб туришини алоҳида таъкидлаб қўйди.

Шавкат СУЛТОНОВ, «Оила ва жамият» мухбири.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги давом этмокда

"Туркистон" да тадбир ўтказилди

Халқимизнинг маданий ҳордиқ олишини таъминлаш мақсадида кўплаб санъат саройлари фаолият кўрсатиб, турли хилдаги концерт дастурлари ўтказиб келинмокда. Албатта, бундай кўнгилочар тадбирларни безаклар, декорациялар ва кўпгина ёритиш ускуналарисиз тасаввур этиш қийин. Аммо ҳар бир нарсанинг чегараси бўлганидек, бунда ҳам ўзига хос меъёрий қоидалар мавжуд. Уларга беписандлик билан қараш ёнгин содир бўлишига олиб келиши мумкин.

Саҳнада ёнгин содир бўлса, зудлик билан заҳарли тўтун тарқалиши, тез ёнувчи маҳсулотлар кўплиги сабабли юқори ҳарорат кўтарилиши, пардалар, осма тўсиқлар ва ишчи галерияларнинг қулаб тушиши оқибатида чиқиш йўлақлари тўсилиб қолиши, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ишини қийинлаштириши ва, пировардида, одамлар ҳаёти хавф остида қолиши мумкин.

Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, ёнгинларда қандай ҳаракат қилиниши юзасидан нунтазам равишда амалий-тактик машқ ва машғулотлар ўтказиб бормокда. Шундай тадбирлардан бири яқинда пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтди.

Ёнгин хавфсизлиги гарнизони шахсий таркиби, «Туркистон» саройи маъмурияти ва тезкор хизматлар амалий-тактик машқнинг яқини хулосаларини муҳокама қилди. Йўл қўйилган хато ва камчиликлар тўғрисида тўхталиниб, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш лозимлиги бўйича раҳбар ходимларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Жаҳонгир РАҲИМЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ муҳандиси, катта лейтенант.

Бепарволик қимматга тушмасин...

Уйларни иситиш мақсадида кўплаб хонадон эгалари электр ускуналаридан ҳам фойдаланмайдилар. Бу асосан қўлбола ясалган ҳамда чет элда, шу жумладан, Хитойда ишлаб чиқарилган, давлат стандартларидан ўтмаган ускуналардир. Бозорларда сотилаётган арзон нарҳдаги ускуналарда спираллар очик ҳолда бўлганлиги сабабли хона ҳароратини курийтиб, соғлигимизга жиддий путур етказиши билан бирга, тўғридан тўғри ёнгин хавфини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бундай ускуналарнинг электр таъминоти ҳамда электр асбобларини ўрнатиш тартиб-қоидаларига бутунлай зид равишда ўзидан иссиқлик ўтказиши натижасида «тилсиз ёв»нинг пайдо бўлишига замин яратади. Бундай ҳолда улар ўзидан меъёридан ортик иссиқлик чиқариши сабабли тева-рак-атрофида жойлашган ёнғичи буюмларнинг ҳам тез аланга олишига сабаб бўлади.

2011 йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида биргина шахсий тураржойларда қарий 309 та, кўп қаватли уйлардаги хонадонларда эса 248 та ёнгинлар содир бўлган. Уларнинг аксариятида юқоридаги каби бепарволиклар туфайли ёнгин келиб чиққан. Унутмайлик, сизу бизнинг оддийгина эътиборсизлигимиз ҳам бошқаларга қулфат келтириши мумкин.

Хурматли юртдошлар! Ёнгин содир бўлганда зудлик билан 01, уяли алоқа телефонларидан МТС – *01, UCELL – 010, Билайн – 01 рақамларига ҳам кўнгиноқ қилишни унутманг!

Шохруҳ ИРИСБОВЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ марказий диспетчерлик хизмати алоқа катта омилкори.

Жабрдийда болалар ҳуқуқи

Ҳозирда одам савдосига қарши кураш юзасида кўплаб ишлар олиб борилаётганини эшитаемиз. Бундай мудҳиш жиноятда энг кўп ҳолатда болалар ва аёллар жабрланувчи бўлиб қолаётгани ачинарлидир. Бу борада қонунда болаларга нисбатан, бола ҳуқуқларига нисбатан қандай нормалар назарда тутилгани тўғрисида маълумот берсангиз.

З. Мирзаев, Китеб шахри

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш жараёнида болалар манфаатларини таъминлашга катта эътибор қаратишмоқда. Қонуннинг 11-моддасига кўра, ихтисослаштирилган муассасаларнинг раҳбарлари одам савдосидан жабрланган болалар ҳақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бу ҳақда ва-

САВОЛ-ЖАВОБ

сийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Одам савдосидан жабрланган болалар ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда катта ёшдагилардан алоҳида туриши керак. Бундай болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат таълим муассасаларига қатнаш имконияти берилади. Агар одам савдосидан жабрланган болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бўлса ёки ўз оиласи турган жойдан беҳабар бўлса, ота-онасини ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни қидириш чоралари кўрилади.

Саволга Шаҳрисабз тумани 2-сонли ДНИ нотариуси стажёрлари Шўҳрат ШАВКАТОВ ва Қахрамон ЧОРИЕВ жавоб берди.

«Биз ОИТСга қаршимиз!»

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда халқаро ОИВ/ОИТСга қарши кураш кунини муносабати билан маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда асосан «Камолот» ЕИХнинг мазкур олий даргоҳдаги бўлими фаоллари тайёрлаган видеороликлар, кўргазмалар, стендлар ҳамда саҳна кўринишлари намойиш этилди.

— Бу тадбирда асосан ёшларни таклиф этишдан кўзлаган мақсадимиз — нафақат аср балоси, балки инсоният учун кўргулик саналган ОИТСдан уларни ҳар лаҳза огоҳ этишдир, — дейди «Камолот» ЕИХ бўлими етакчиси Нодирбек Сойибназаров.

Барно МИРЗААХМЕДОВА, «Оила ва жамият» мухбири.

ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

— Онамнинг бетоблиги, ука-сингилларимнинг ташвиши ёшлигимдаёқ мени отамга елкадош қилиб қўйган эди, — дейди Чирчиқ шаҳридаги 12-сонли Хумо маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жумагул Алиева. — Ёш бошим билан катталарга ўхшаб фикр-мулоҳаза юритадиган, ҳаётнинг ҳар бир синовиға ҳаммиша тайёр турадиган бўлиб қолдим. Отам кўпроқ менга суянар, жигаргўшаларимнинг эртанги тақдирида ўрним беқислигини қайта-қайта уқтирарди. Фалакнинг гардишини қарангки, худди шундай бўлди ҳам. Оллоҳ зиммамга юклаган ҳам оналик, ҳам оталик вазифасини адо этиш мажбурияти менинг чекимга тушди.

Эсимда, сингилларимнинг кийим-кечагини ҳеч бир андозасиз тикиб, кийгизиб қўйганим-

лишмайман. Кун бўйи ишлаб чарчаб қолсам-да, лекин ярим тунгача Чингиз Айтматов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов каби шоир-ёзувчиларнинг асарларини ўқиб дам олардим.

Кўп савдони кўрди
бу бошим,
Тўғри йўлга элтди
бардошим,

деган ўтли сатрлар ана шу олис болалигимни ҳамон ёдга солиб туради...

Опа қайтмас ёшлигини эслаб, бир нафас ҳаёлга чўмди. Кейин эса яна бошидан кечган айрим воқеаларни эслади:

— Турмушга чиқиб, фарзандли бўлганимда қисмат деганлари яна мени оғир синовлардан ўтказди: кутил-



— Тикувчилик соҳасида анчамунча муваффақиятларга эришганимиздан кейин 2009 йили "Микрокредитбанк"нинг Чирчиқ шаҳар филиалидан 14 миллион сўм миқдоридан кредит олдик, — дейди Жумагул Алиева. — Натияжада, хизмат турлари кўпайиб, яна бешта иш ўрни яратилди. Энг ишончли шогирдим Наврўзахоннинг оқила ва қўлигуллиги, интилувчанлигини кўриб, ўзим келин қилганман. Бугун миттигина цехимиз номи ҳам "Наврўзбону"...

Жумагул опа айна пайтда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек тинч-товуш яшаб келаётган уч мингга яқин аҳолиси бор 12-сонли Хумо маҳалласида раиса, 25 та кўп қаватли уйларда яшаётган хотин-қизлар, кексаларнинг энг эриг сирдоши. Ҳозир қиш мавсуми бошлангани боис опанинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Ҳар ҳафтанинг душанба куни Мактаб ва коллеж ўқувчилари куни деб белгилангани учун маҳалла фаоллари билан бирга худуддаги мактаб ва коллежда уюштириладиган мулоқотларда қатнашади. Чоршанба куни эса Саломатлик куни муносабати билан малакали шифокорларни чорлаб, худуд аёлларига бепул тиббий хизматни ташкил қилади.

Жумагул опанинг ўзлари камтарлик қилиб айтмаган бўлса-да, лекин маҳалладошлари унинг жонқурлиги, фидоийлиги ҳақида қувониб сўзлашди. Айниқса, турли байрам ва хайитларда ўз қўли билан тиккан кийим-кечак, буюмларни кам таъминланган оилаларга ҳаёда сифатида улашади. Етим ўсган, меҳрга муҳтож болалар ва кексалар бу кўнгли дарё аёлни ўз оиласининг энг яқин кишиси сифатида қадрлайди. Ҳа, халқимизнинг бағрикенглик, меҳроқибатга йўғрилган инсоний туйғулари бор бўлсин!

Нигора УРОЛОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири,
Тошкент вилояти.

«Тўғри йўлга элтди
бардошим...»

да дард билан олишиб ётган онам "Болам, насиб этса, сен ҳали кўлигул чевар тикувчи бўласан", десалар, руҳланиб уйимиздаги бор матолардан турли хил кийим-беш, рўзгоримиз учун керакли бўладиган нарсаларни тикиб ташлардим. Ҳатто келинлик сепимга уйимдагилар ният қилиб, тикув машинасини ҳада қилишган...

Жумагул опанинг суҳбатини эшитиб тўймайсиз. Айтиб берган ҳар бир ҳикояси ҳаётини ва сабоқ бўлгулик. У ўзидаги қобилият, маҳоратнинг шақлланишида биринчи навбатда оиласидаги муҳит сабаб қилиб, қолаверса, ёшлигидан касб-хунар эгаллашга иштиёқи балинд бўлганини завқланиб хотирлайди:

— Тоғли Богистон қишлоғида туғилиб ўсганим учунми, тандирда турли шакллардаги нонларни ёпишни ёқтирдим. Менинг энг яқин дўстим, дардақашим китоблар эди, десам ян-

маганда икки яшар норасида боламнинг нобуд бўлиши... ҳаётдан кўнглимни совутиб юборди. Тунлари Яратганга нола қилдим: "Оллоҳим, менга сабру қаноат бер, ўзининг қараминг ниҳоятда кенг, бизни ёрлақтигил!" Буни қарангки, ордан кўп ўтмай Худойим оиламизга Меҳридинни ато этди. Уша куни дунёга сиғмадим, китобларда ўқиган қаҳрамонларим каби осмонларда учиб юрдим гўё. Йиллар эса шамолдай ўтиб кетди. Бугун Меҳридиним Тошкент давлат маданият институтида сўнги босқичда таҳсил олаётган...

Мустақиллик Жумагул Алиевага ҳам бошқа юртдошларимиз қатори кенг имкониятлар эшигини очди. 1998 йили ота-онасидан эсдалик бўлиб қолган эски тикув машинасида қўшиларига либослар тикиб бериб юрарди. Бир куни маҳалладошлари шу худуддаги кўп қаватли

уйларда бўш ўтирган хотин-қизлар кўплигини айтиб қолди. Хуллас, уларни бирор касбга йўналтириш масаласида гап очилган, Жумагул опа эртаси кунийёқ устози, шу маҳалла раисаси Мамлакат опа Йўлдошевага учрашиб, маҳалла аёлларининг бирор фойдали фаолият билан машғул бўлишига кўмак беришини илтимос қилди.

Раҳматли Мамлакат опа ҳам эл-улус қорига яраб юрган зиёли инсон эмасми, бирданга бу ташаббусни маъқуллаб, ёнларидаги хонани тикувчилик цехи учун бўшатиб беради. Шундан кейин хунар ўрганишни ният қилган ёш қизлар, ҳатто уч-тўрт боласи бор аёллар ҳам Жумагул опанинг ёнидан кетмайди-деган бўлишди. Қисқа муддат ичида цех фаолияти кенгайиб, буюмлар туша бошлади ва улар ҳисобига маблағ ҳам йиғилди. Қўрилган фойда эвазига тикув машиналари сотиб олинди.

Табиатнинг, атроф-муҳитнинг тозаллигини сақлаш, энг аввало, ўзимизга боғлиқ. Агар унга тўғри муносабатда бўлсак, экологиянинг ифлосланиш даражаси шунча камаяди. Инсон борки, кундалик эҳтиёжи учун маҳсулот ишлашда ва шунинг баробарида турли хизматлардан фойдаланади. Айниқса, кўп қаватли уйлардан чиқаётган чиқиндилар атроф-муҳит мусавволига жиддий зарар етказиши мумкин.

Чирчиқ шаҳрида фаолият олиб бораётган Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Чирчиқмахсустрас» давлат унитар корхонаси бу борада қатор хайрли чора-тадбирларни амалга ошириб келаётганини алоҳида эътироф этиш мумкин.

— 2002 йили мамлакатимизда атроф-муҳит мусавволигини таъминлаш билан боғлиқ қонун қабул қилинган, бу борадаги фаолият анча жадал сурьатларда яшиланди, — дейди корхона раҳбари Тolibжон Шамсиматов. — Қонунда белгиланган талаблардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бу масала ниҳоятда долзарбдир. Шунингдек, қонунда чиқинди билан бариладиган ишларни амалга ошириш бўйича махсус ваколатли давлат органлари ва уларнинг ваколат доираси ҳам белгилаб қўйилган. Шу боис 2006 йил-

дан буён фаолият олиб бораётган корхонамиз Чирчиқ шаҳридаги чиқиндиларни ўз вақтида йиғиштириб олиш бўйича муайян ишларни амалга ошириб келаётган. Чунки чиқиндиларни йиғиб олиш тизими фуқаролар орасида турли хил хасталикларга чалинишининг олдини олиш билан бирга, уларнинг яшаш ва меҳнат қилиш шароитларини ҳам яхшилайдди.

Дарҳақиқат, чиқиндиларни бошқаришнинг асосий усули уларни ўз вақтида йиғиб олиш, махсус чиқиндиҳонага

на, 1 та бульдозер — жами 21 та техника бўлиб, чиқиндиларни ўз вақтида йиғиштириб олишга сафарбар этилган.

Чирчиқ шаҳрида 44 та маҳалла фуқаролар йиғини бор, уларнинг барчаси билан чиқиндиларни олиб кетиш бора-сида шартнома тузилган. Шунингдек, 88 минг 475 нафар жисмоний шахс ҳамда 651 та улгуржи (боғча, мактаб, коллеж ва ҳ.) ташкилотлар билан ҳам шартнома-

лар имзоланган. Бу эса хизмат кўрсатишнинг ўз вақтида сифатли ва тез бажарилишини таъминламоқда. Аҳоли ҳам чиқиндиларни олиб кетиш учун тўланадиган коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган.

— Бизга беёминат хизмат кўрсатаётган «Чирчиқмахсустрас» давлат унитар корхонасининг фаолиятидан мамнунмиз, — дейди Чирчиқ шаҳридаги 3-микрорайон 13-уй 15-хонадонда яшовчи Зилола Эргашева. — Авваллари, чиқинди ташлаш учун махсус жой бўлмагани учун ахвол бирмунча ташвишланарли эди. Ҳозир эса ҳолат бутунлай ижобий томонга ўзгарган. Алоҳида жойга махсус чиқинди қўтилар ўрнатилган. Ҳафтада икки марта йиғилиб қолган чиқиндилар олиб кетилади.

Савобли иш сабабчилари



ташиб кетиш ва белгиланган майдонда жойлаштиришдан иборат. Шунинг учун «Чирчиқмахсустрас» давлат унитар корхонаси жамоасининг 74 нафар ишчи-ходими шаҳар тозаллиги ва озодаллиги учун астойдил курашиб келмоқда. Корхона ихтиёрида айна пайтда 17 та махсус маши-

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Айни пайтда аҳоли ўртасида қарздорлик йўқ. Айниқса, чиқинди пулини ўз вақтида тўлаб келаётган «Гулзор», «Ясавий», «Бахт», «Мурувват», «Кабутар» сингари маҳалла фуқаролар йиғинлари бу борада намуна кўрсатмоқда. Бундай ижобий натижага эришишда Комил Шомамжудов, Йўлдош Сайдинов, Эрмоҳон Ниёзбеков, Нигмон Шерматов, Алексей Суҳов ва Галина Бекбаева сингари ишчи-хизматчиларнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Корхонада ишчи-хизматчиларнинг соғлиғи доим назорат қилиб турилади. Малакали шифокор Жанар Раҳимова ҳар куни эрталаб уларни тиббий кўрикдан ўтказди.

— Ходимларимизнинг маданий ҳордиқ қилариши учун ҳам барча шароитлар яратилган, — дейди директор Тolibжон Шамсиматов. — «Маънавият ва маърифат» хонасида турли адабиётлар, газета-журналлар бор. Ишчилар бўш вақтларида у ерда мутолаа билан банд бўлишади.

Сўзимиз сўнггида айтиш мумкинки, корхонанинг асосий мақсад ва вазифаси — Чирчиқ шаҳрининг ободлиги, озодаллиги, гўзаллиги, тозаллигини таъминлаш ва кўрмага-кўрк қўшишдан иборатдир. Шундай экан, олиб борилаётган барча сазай-ҳаракатлар замирида она табиатимиз, атроф-муҳит ва бизлар яшаб турган худудларнинг тоза-озодлиги билан боғлиқ савобли сазай-ҳаракатлар ётилади.

Илҳом РАҲМОНОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири.



ДЕКАБРЬ — янги ҳисобдаги йилнинг ўн иккинчи ойи маъносини англатадиган «декабр» сўзи асли юнонча бўлиб, «ўнинчи», «ўнинчи ой» деган маънони билдиради. Шунингдек, «декан», «декада» сўзларининг туб илдизи ҳам асли «ўн» деган маънога бориб тақалади.

ОЙБОЛДОҚ — тилимизда исирганинг олтин, қумуш, мисдан уч-тўрт қунлик ойга ўхшатиб ишланган, нақшсиз, шокиласиз бир турли қадимдан «ойбалдоқ» сўзи билан ифодалаб келинган.

Олтин ойбалдоқ. Ойбалдоқ тақмоқ.

ОДАТ ВА ОДДИЙ — бу икки сўзда биз маъно яқинлигини сезмаймиз. Бироқ «одат» ва «оддий» сўзларининг илдизи битта. «Оддий» сўзи ҳам аслида «одатдаги», «одатга айланган», «қундалик хол», каби маъноларни англатиб, унинг илдизи «ҳар вақтдагидек бўлди», «қўнимага айланган» деган маънунини ифодалаган. «Одат» сўзининг ҳам туб илдизи шу маънога бориб тақалади.

Юсуфбек ҳожи бекнинг уйланишини ҳам оддий гаплар қаторида эшитиб ўтказди.

Абдулла Қодирий

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Туманда 200 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётир, шундан 51 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, қулай шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси қатор хайрли ишларни амалга ошираётир. Айниқса, бу ҳудудда ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши учун ҳам барча имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни арафасида мусиқа ва санъат мактаби қошида яна бир са-

Қарши тумани маркази Бешкент шаҳри йил сайин кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда. Бу ерда замонавий меъморчилик услублари асосида барпо этилаётган савдо, маданий-маиший ҳамда турар жой бинолари кўзларни қувонтиради. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида “Озод диёр” маданий маркази ишга туширилган бўлса, шаҳарнинг Ровот маҳалласида болалар мусиқа ва санъат мактаби қайта реконструкция қилинди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

тантанали маросимлар зали ҳамда “Ёш оила” мактаби фаолият юритади, — дейди Қарши туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Умарова. — Йил бо-

Байрамга муносиб совға



лобатли бино қад ростлади. “Огабек” хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонасининг Нормурод Сатторов раҳбарлигидаги қурувчилари қисқа муддат ичида ФХДЁ бўлимнинг янги замонавий биносини қуриб битказдилар. Ушбу иншоотни тиклаш ва тўла қуриб битказилиши учун жами 365 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Янги бинода Никоҳ уйдан ташқари нотариал идораси,

шидан буён 1694 та янги ёш оиланинг қонуний никоҳи қайд қилинган эди. Мустақил оила қуришни ниёт қилган ёшлар энди ўзларининг унутилмас никоҳ кечаларини барча қулайликларга эга муҳташам бинода нишонлайди.

Бош Қомусимизнинг 19 йиллигига муносиб туҳфа бўлган Никоҳ уйида аллақачон тўйлар бошланиб кетди.

Ўз мухбиримиз

ҚАРШИ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ барча юртдошларимизни



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 19 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади! Ватан тараққиёти, юрт равнақи йўлида олиб бораётган ишларингизга омад ва зафарлар ҳамиша ёр бўлсин!




лар ҳамиша ёр бўлсин!

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

НИШОН ҚУРИЛИШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

юртимиз аҳлини, хусусан барча устоз-мураббийларни бахтимиз қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллик байрами билан чин юракдан қутлайди!

Реклама



Дарвозани тақиллатишимиз биланок "Хуш келибсиз, қизим. Қани, ичкарига марҳамат, совкотмадингизми ишқилиб?" дея Вера она, пешвоз чиқди. Оналарнинг ҳаммаси бир бўлади, деганлари рост экан, у киши ҳам остонадан кирганимиз захоти Вадимнинг хонасига таклиф қилди-да, деворга осиб қўйилган чемпион ўғли қўлга киритган олтину кумуш медалларни санай кетди.

— Қаранг, буларнинг 14 таси олтин, 10 таси кумуш, 5 таси бронза. Булар эса унинг олган кубок ва мақтов ёрликлари, ҳаммаси мен учун энг қадрли ва бебаҳо бойликлар! — дейди Вера Менькова гурурга тўлиб. — Болагинам ёшлигиданок ҳар куни эрталабдан шомга қадар қору ёлғир демай, велосипедда машгулотларга қатнади. Отаси, қўйсанг-чи, нима қиласан ўзингни бунча қўйнаб, деса, мен олдинга тушиб, йўқ, боламинг қизиқини зўр, шаштини қайтарманг, насиб этса, кўрасиз ҳали, машхур спортчи бўлади, деб дуо қилардим. Худога шукр, энди биргина бизлар эмас, балки бутун Ўзбекистон халқи фахрланяпти. Бундан ортиқ бахт бормикан?

— Вера Михайловна, ҳар қандай муваффақият, ютуқ замирида иқтидор, меҳнат, интилиш билан бирга оилавий муҳит, ота-онанинг ўрни ҳам бекиёс аҳамиятга эга, тўғрими? Умуман, уни ушбу спорт турига ким қизиқтирган?

— Бизларни кўрдингиз, эл қатори — оддий одамлармиз. Отаси Юрий Михайлович бир умр ҳайдовчи бўлиб ишлаган, ҳозир нафақада. Ўзим эса заводда ишчи, боғчада энага бўлиб ишлаганман. Эр-хотин иккимиз беш ўғил ва бир қизни пешона теримиз билан ҳалол едириб-ичириб катта қилдик. Вадим энг кенжамиз — олтинчи фарзандимиз. Аслида, оиламиздан ҳам, уруғимиздан ҳам спортчилар чиқмаган. Лекин мен ёшлигимда спортга жуда қизиқардим. Мактабда югуриш, узунликка сакрашда доим биринчилиқни олардим. Энди, биласиз, у маҳаллари бугунгидай шарт-шароитлар қаёқда эди. Балки мен ҳам энди 17—20 ёшга кирганимда борми, ким билади, машхур спортчи бўлармидим (кулади).

"Тошкент денгизи" уйимизга яқин бўлгани учун отаси Вадимни 3—4 ёшидан балиқ овига, сузишга ўзи билан олиб кетарди. Шу боисми, у ҳаётини сувсиз тасаввур этолмай қолди. Билмайман, кимдан эшитган у ҳақда, бир куни Вадимнинг биринчи мураббийи бизниқига келиб, "Ўғлингизни тарбиялаш керак, унда катта иштиёқ ва интилиш бор", деб қолди. Ушунда у 14—15 ёшларда эди. 2005 йил Францияда ўтказилган мусобақада қатнашиб, олтин медал билан қайтди. Шунанга суюндим-ки, асти қўяверинг, қизим. Ана шундан бери ҳали бирор марта медалсиз қайтмаган. Ва аксарияти — олтин!

Ҳамма болаларини укувли, ўзлари эгаллаган сохалар бўйича иқтидорли. Ёшлигиданок жиддий назорат қилганман. Ўғил-қизларимнинг кўнглига қараш, сирлашиб, кичикларига эртак китоблар ўқиб бериш менинг энг ёқимли машғулотим эди. Балки шунданки, ўғилларим ҳам ҳозиргача сирларини отасига эмас, аввало, менга айтади. Еттига набирам, битта эварам бор.

— Ҳар гал ўғлингизни са-

Анчадан бери каноэда эшак эшиш бўйича икки карра жаҳон, бир неча бор Осиё чемпиони, қатор халқаро мусобақалар голиби, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Вадим Меньковнинг онаси ҳақида мақола ёзишни кўнглимга туғиб юрардим. Ўтган ҳафта кўнғирок қилиб, оиласи, қолаверса, Ўзбекистонимиз довруғини жаҳонга ёйишда муносиб ҳисса қўшаётган фарзанди ҳақида суҳбатлашмоқчи эканимми айтдим. "Қизим, тўғриси, мен Тошкентни яхши билмайман, бир умр Тўйтепадан узоққа чиқмаганман. Агар малол келмаса, бизниқига меҳмонга келинг, шу ерда бафуржа гурунглашамиз", деди самимий оҳангда. Ўрта Чирчиқ тумани марказига етиб боргач, одамлардан "Меньковнинг уйи қаерда?" дея сўрашим биланок, бирови "Вадимларникини сўраясизми?" деса, бошқаси "Юраверинг, ўзим олиб бораман, бир маҳаллада яшаймиз, Вера холамиз тилло аёл-да ўзиям", деди мактаниб.

"Ўзбекистон — менинг Ватаним!"

дейди дунёнинг машхур спортчиларидан бири Вадим Меньковнинг онаси Вера Михайловна фахрга тўлиб



фарга кузатаётганда кўнглингиздан қандай ўйлар кечади?

— Мен ҳам бошқа оналар каби ҳар тонгда Яратгандан юртимизга тинчлик-осойишталик, халқимизга омонлик, тотувлик сўрайман. Шу билан бирга, ўз оила аъзоларимга ҳам ана шундай ёруғ ниятлар тилайман. Вадимга эса "Ўғлим, илоё, ой бориб омон кел, сенинг эришган ҳар бир галабанг Ўзбекистон спорти тарихига зарҳал харфлар билан битилаяпти. Тўғри, биз сен билан ҳақли равишда фахрланамиз, лекин сен ҳам ана шундай жаннатмонанд, обод ва бетакрор Ватанинг билан гурурлан!" дейман. Унинг ҳамма синовлардан ўтиб, голиб бўлганини эшитганимча, юрагимни ҳовучлаб, боламинг омадини бер, юзини ёруғ қил, Худойим, деб дуо қилиб ўтираман.

— Кўпчилик бу оиланинг аҳли ва иноқлиги, бир-бирига бўлган меҳрибончилигига ҳавас қилар экан...

— Биз эмас, аслида, маҳалламиз аҳли бағрикенг ва меҳроқибатли. Маҳалламизда турли миллат вакиллари яшайди. Ҳаммаси билан олди-берди, қўни-қўшинчилик қиламиз. Кўпчилик менинг ташқи кўринишимга қараб, "Ўзбекмисиз, ё ўзбекка турмушга чиққанмисиз?" дея сўрайди. Ўзбеклар орасида

яшайвериб, ўхшаб кетган бўлсам керак-да (кулади). Тўйтепада яшаётганимга ҳам, мана, кам эмас, қирқ йилдан ошган бўлсанда, ҳали бирор марта ҳеч ким билан "сену мен"га бормаганмиз. Тўй-томашлар, қувончли ташвишли кунларимизни бирга баҳам кўрамиз. Ён кўшим Сурайёхон ҳамшира. Озгина тобим қочиб қолгудек бўлса, югуриб чиқади. Кичкинагина болалар ҳам, Вадим акани телевизордан кўрдик, дея фахрланиб қўйишди. Айниқса, Вадим галаба қозонган куни маҳалламизда байрам бўлиб кетади. Ҳатто бизларга сездирмай, кўчаларни, уйимизни бебез, ошларгача дамлаб қўйишди. Бундай юрт, бундай меҳмондўст халқ қаерда бор?

Ўзимга келсак, асли миллатим украин. Шу баҳона сизга бир воқеани сўзлаб берайми: қайси йили эди, билмайман, Вадим мени Москвада яшайдиган тўнғич ўғлимникига меҳмонга жўнатмоқчи бўлди. Умримда уйимни, рўзгоримни ташлаб кетмаган аёлман-да, самолётга билет олганимизча неча марта қароримдан қайтдим. Охири, кўпчиликнинг қистови билан жўнаб кетдим. Ишонасими, икки ўғлимникида бир ойча зўрга чидадим, қачон уйимизга қайтаман, деб кун саннадим. Самолёт Тошкентга келиб кўнди, деганида энгил ол-

дим. Шунда бир ҳақиқатни англадимки, мен ҳам, умр йўлдошим ҳам Ўзбекистонимдан бошқа юртда яшолмас эканмиз!..

...Вадим айна пайтда 2012 йили Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпиадага жиддий тайёргарлик кўраётган экан. Вера Михайловна билан суҳбатимиз охири қолганида у ҳам машгулотлардан бўшаб, турмуш ўртоғи Эльвира ҳамда қизчаси Ангелина билан келиб қолди. Фурсатдан фойдаланиб, Вадимни ҳам суҳбатга тортидик:

— Вадим, нега айнан спортнинг шу турини танлагансиз, қийин эмасми?

— Мен табиатан серҳаракат, тиниб-тинчимайдиган одамман. Шунинг учун болалигимда бир муддат курашга, кейин футболга қатнаганман. Лекин негадир мени бу спорт турларига қизиқтира оладиган мураббийга дуч келмаганман. Эшак эшиш эса, гарчи мураккаброқ бўлса-да, сувни севганим, балиқ овини яхши кўрганам учун кўпроқ ўзига жалб эта олган. Энг муҳими, маҳаллақатлардан қўчмай, улкан мақсадларни олдимга қўйиб ҳаракат қилдим ва натижалар ёмон бўлмади.

— Биласизми, эрталабдан бери онангиз билан суҳбатлашиб ўтирибмиз-у, нукул ўзини эмас, балиқарни, неваларни, ойналар, сизни

ИФТИХОР

кўпроқ мактайти. Сиз ҳам, шундай хокисор, меҳрибон онангиз билан фахрлансангиз кераг-а?

— Қайси фарзанд ўз онаизори билан фахрланмайди? Мен оназонимни ҳеч бир бойликка алишмайман. Ҳақиқий тилло! Фидойи, жонқуяр... яхсиси, сиз майли, ўзбекча синонимларни ёзаверинг. Қачон, қаерга сафарга кетадиган бўлсам, биринчи бўлиб онам дуо қилади, галабага эришган куним ўзимдан ҳам кўра кўпроқ у киши суюнади. Ҳар қандай вазиятда ҳам онамга суюнаман.

— Сиз йил бўйи турли мусобақалар баҳонасида кўпроқ хорижий давлатларда яшайсиз. Шундай пайтларда ўзингиз туғилиб ўсган юртин, оила аъзоларингизни соғинасизми?

— Бўлмасам-чи, мен қаерда бўлсам-да, шу азиз ва муқаддас замин билан тақдирим боғлиқ эканини чин юракдан ҳис қилиб тураман. Кўпчилик мендан қизиқиб, сизларда яшаш шароити, спортга бўлган эътибор қандай, деб сўрайди. Ана шунда биринчи навбатда уларни мен Ўзбекистонга таклиф этаман. Минг бора эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхши, дейман ва шахсан Президентимиз Ислам Каримов раҳамолиги остида мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ислохотлар, шу жумладан, спортга давлат сиёсати даражасида эътибор ва ҳамхўрлик кўрсатилаётгани ҳақида ифтихор билан сўзлаб бераман.

Ишонинг киндик қони тўкилган тупроқ бу — унинг ватани. Чет эл у ёқда турсин, мен ҳатто Тўйтепадан узоқда ҳам яшай олмайман, десам, ишонасизми? Масалан, пойтахтда уйим бор, аммо сизгайман, бир-бир ярим кун зўрга чидайман, кейин ўзимнинг қадрдон маҳалламга, ота-онам яшаётган муборак гўшага шошиламан.

— Вадимни тушунликдан чиқара олиш, қайси пайтда қандай муомала қилишни ойиқсонимдан ўрганганман, — дея суҳбатимизга қўшилди Эльвира Менькова. — Спортчининг аёли бўлиш ҳам осон эмас экан. У машгулотлардан чарчаб, ё нимаданки асабийлашиб қайтганида, илжои бориҳа вазиятни юмшатишга ҳаракат қиламан. Чемпионнинг турмуш ўртоғи бўлиш шараф, шу билан бирга, улкан масъулият ҳамдир. Унинг шодлиги ҳам, ташвиши ҳам — ҳаммамизники.

— Вера Михайловна, суҳбатимиз сўнгига қуйинчак, меҳрибон, болажон она сифатида юртимиз хотин-қизларига қандай тилақларингиз бор?

— Ҳар қандай аёлнинг бахти-саодати, менимча, оиласи ва фарзандларининг қувончи билан тўқис ва бутундир. Ўзи қанча омадли ва машхур бўлмасин, хонадонда фарзандларининг шўх кулгуси янграмаса, билингики, унинг бахти ярим. Шу боис барча миллат вакиллари ўзаро ҳол-аҳвол сўрашаётганда, аввало, "Болаларингиз соғомонми?" дея сўрайди. Илоҳим, ҳамма оналарнинг жигарбандлари, кўзларининг оқу қораси — фарзандлари омон бўлишсин ва, ўз навбатида, улар ҳам доимо ота-оналарини қадрлаб, эъзозлаб, дуоларини олиб юрсинлар.

Шаҳноза РОФИЕВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

**“ШҶРТАН ГАЗ-КИМЁ
МАЖМУАСИ”
ЖАМОАСИ**

8 декабрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ**

*муносабати билан барча
ватандошларимизни самимий табриклайди!
Асосий Қонунимизда белгилаб берилган барча
ҳуқуқлар, имтиёз ва имкониятлар ҳар бир
фуқаронинг бахтли ҳаётини кафолатлайди.*

*Мухтарам
юртдошлар!
Сизларга
сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат,
меҳр-оқибат
тилаймиз!*



Реклама

“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ




*Мустақил давлати-
мизнинг Асосий
Қонуни — умумин-
соний кадриятларни
ўзида мужассам эт-
ган, миллий тафак-
куримиз, ҳуқуқ ва
манфаатларимиз ка-*

*фолати ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конс-
титуциясининг*

19 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ

*билан юрт-
дошларимиз
ҳамда соҳамиз
вакилларини
чин юракдан
табриклайди!*



Реклама

Яна?..

Норбувининг дунёси куйди! Юраккинаси қоқ иккига бўлиниб, тарозунинг икки палласига айланди: бир паллада қувонч, шодлик, умид, иккинчисидан яна шунча ҳадик, хавотир, кўрқув...

— Эй, Художон, ҳеч бўлмаса шу сафар мени туюмид қилма, раҳминг келсин! — ёлвориб ўтинади у.

У ўнг кўзи билан қулиб, хуш хаволардан нафас олади. Лаҳза ўтмай, сўл кўзи билан йиғлаб, захар-заққум ютади.

Бўлмади.

Норбуви бу гал ҳам мурғаккина дилбандини туюрққа берди. Еттинчиси эдими у, ё саккизинчиси?..

Ё, Раб!

Тўнғичи яшаб кетса бўлмасми эди? Йиғлаб-йиғлаб юриб қолганида бўлмасми эди?! Бўйдоқларининг бўйи чўзилиб, санамларининг кўзи сузилиб қолмасми эди бу чоққа?!

Кўшни ўспиринлардан, қулча юзлардан кўзи ўтиб-ўтиб кетади Норбувининг. Алам-изтироблари, нола-афгонлари кўксидан бўғзига етади унинг.

Охири тоқати тоқ бўлди. Илтихо билан тўрасига юзланди:

— Туғиш — хотиндан, туриш — эрдан, деган экан эскилар. Бўлди энди, бу ердан кўчайлик, остонани янгилайлик. Бу хонадонда бахтимиз қулмайдиганга ўхшайди.

Норбуви юрагидаги дардларини айтиб олди-ю, умр йўлдошига маҳзун-маҳзун нигоҳ ташлади. Зеро, унга-да кийин эди, унинг-да боши қотмиш эди. Аёлга осон эмаслиги — аён. Аммо бекка кийиндан-кийин. Ахир эл уни эҳтиром билан Ҳайдар бахши деб атайдди. Ҳамма тўй-ҳашамларда уни суюб, ардоқлаб тўрга чорлайдилар. Бахши улус дастурхонидан ризк-насиба тотинган. У фақат орзу-хавас учунгина фарзанд тиламайди. У фақат ёнар чирок, деб кутмайди тирноқ зотини. Ахир, у-да элга дастурхон ёзиши керак эмасми?! Дўсту ганимини чорлаши керак эмасми остонасига?!

Охири бахши ҳам бу аччиқ

қисматга кўнди.

Кўлбуконни ташлаб чиқди. Говазондан кўним топди. Аммо...

Тақдирнинг бу муштипар жуфтликка атаган синовлари ҳали тугамаган экан. Гоҳ у, гоҳ бу хонадонга кўчавериби, ўн, ўн бир, ўн икки, ўн учинчи фарзандига ҳам алла айтолмади Норбуви. Ўн уч дoston ўрнига ўн уч марсия битди Ҳайдар бахши...

Ноумид — шайтон.

Сўнги иримга ҳам умидвор кўз тутдилар. Бахши юғриб-елиб Норбувининг қолхоз тасарруфига ўтиб кетган ота ховлисини қайтариб олди. Қиз йиғлаб-йиғлаб кирди ота

Норбуви дунёларга тўйса-да, Турғунжонига тўймаган эди. Турғунжони эса ҳали онасини тузук-қуруқ таниб улгурмаганди. Ногоҳ... Она ҳиди унинг димоғида қолди. Она руҳсори унинг қароғига кўчди.

Норбуви бу бевафо дунёни ташлади — кетди.

Ҳайхот!?

Боласидан кўзи қиярмиди Норбувининг? Тўрасини кимларга ишонарди Норбуви? Аслида, бу муштипар зот ўн уч қарра ўлиб-тирилган, ўн уч қарра ўлимни доғда қолдирган эди. У ажалга эмас, тақдир азалга бўйсунди. Тақ-

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР



— Раҳматли отам — Ҳайдар бахшидан мендан бошқа фарзанд қолмади, фақат Сўз қолди айланай, — дея ҳикоясини бошлайди Турғунжон ая. — “Гўрўғли”, “Алпомиш” достонларини отамдан эшитиб катта бўлганман. Ул зот достон айтишини бошласалар, кун оғиб, тун ўтиб, тонг белги берганини ҳам сезмай қолардик...

Амма хотира кўзгусига термулади, бу кўзгуда акс этаётган борлиқ СЎЗга айланган лабларидан тўкилади. Бу ёруғ хотираларда тафт ва ҳарорат, соғинч ва изтироб, қувонч ва ўкинч туйғулари жилоланади. Ва улар кўз ўнгингизда овози ўлмаган, номи барҳаёт бахшининг сиймоси бўлиб яралади. Сиз уни беихтиёр “кўра бошлайсиз”: Ана, кенгфёль, ширинсухан, болажон Ҳайдар бахши. У эрта саҳарда дарвоза очиб, қишлоқнинг тонги жамолига мафтун бўлади. Унинг тоза ҳаво билан тўлган кўксига Сўз мавжланади.

Ана, кўчада мактабга ошиқаётган болалар кўринади. Бахшининг юраги орзиқиб кетади. Қўлидаги жажжи гулдасталарни қизалоқларга тўрт қаторли шеър билан бирга тутади. Ўзи ҳам мактаб томон оқиб бораётган болалар оқимига қўшилади...

Қизиқ ҳол, азизлар: бугун Ҳайдар бахшининг ёлғиз ёдгорини Говазонда Турғунжон, деб сўроқласангиз бироз танимаслиги мумкин. Аммо “амма” деб йўқласангиз, етти ёшдан етмиш ёшгача йўл кўрсатиши аниқ. Қишлоқ аҳли бу нуруний сиймони “амма” деб тан олади.

Турғунжон ая барчанинг бирдай аммаси. Лафзи ширин онахон билан суҳбатлашсангиз, беихтиёр сизнинг ҳам меҳрингиз товланиб кетиши табиий.

Бу шунчаки гурунғ бўлмайдди. Бу суҳбат бахонасида амма мизозийга отланади, хуш онлар шуқуҳидан завқланади, нохуш дамлар изтиробидан озурда бўлади. Сиз эса бу муборак зотни шунчаки қузатмайсиз. Сиз-да унинг хотираларига шериксиз. Ўзингиз сезиб-сезмай, гоҳ қуласиз, гоҳ йиғлайсиз...

Гулчехра МУРОДОВА,
Наманган вилояти.

ҲАММАНИНГ АММАСИ

ёхуд Ҳайдар бахшининг ёлғиз ёдгори

ховлисига! Шу хонадон жаннат мисол кўринди кўзларига. Шу даргоҳни нажот кальаси, деб умид қилди шўрлик она.

Аёлнинг қалби сезгир бўлади, дейишади. Яна, соҳир ҳам дейишади. Кўп ўтмай, Норбувининг уйғоқ кўнгли аллақандай ёруғ ёдғунни туйди. Соҳир қалбида умид чечаклари кўз очди.

Ниҳоят!!

Ниҳоят, бу хонадон яна чақалоқ “инга” сига тўлди! Остоналар жаранглаб кетди бу нажотбахш кўшиқдан! Ўн саккиз минг олам таровати тусланди бу тилло остонада!

Қоронғу оламини қулдирган, минг йиллик армонни ўлдирган, эр-хотин қалбини фарахбахш нурга тўлдирган, кўнгилларни тенгсиз тиллоларга кўмдирган чақалоқ — ой юзли, юлдуз кўзли қизалоқ эди! Дунёларга сиғмай қолган кўш вужуд шу чақалоқ тимсолида яктанга айландилар. Шу гўдак умрини жонларига жойладилар. Илоё, дунё турғунча турсин-а, деб Турғунжон дея исм кўйишди чақалоққа!

Шуйтиб, саккиз ойгача бу хонадон осмонидан куёш балқиди. Куну-да ёруғ бўлди, туну-да ёруғ бўлди.

Саккиз ойдан сўнг эса...

Водариг!?

дири азалнинг сир-синаотли қаърига чўкди Норбуви отлиғи ҳодиса.

Ҳайдар бахшининг кўксига олов гурлади! Алам, изтироб, ўкинч, чорасизлик гулханлари кўксидан отилиб чиқиб, дунёларга ўт кўйгудай, еру кўкни ёндиргудай бўлди! Бу оташни Турғунжоннинг кўз ёшлари тиндирди. Асов тўлқин каби гувранаётган фироқ доғи норасида гўдакнинг сел ёшларида ювилди.

Бахшининг бу ҳолатини тавсиф этарга сўз ожиз, қалам ожиз...

Филхосил, меҳрга мушток, парваришталаб гўдакни Норбувининг жондан яқин дугонаси Шахрибону бағрига олди. Чархнинг тилсимларидан боши айланган Ҳайдар бахши Шахрибонуни никоҳига олди.

Шахрибону Турғунжонни ўз болам, деди, бечоранинг ўзи тугмади. Шу қизгина учун куйиб-ёнди, топди-тутди, едирди-кийдирди — улғайтирди.

Кун келиб, бу хонадон тўйхонага айланди. Базмда янграган асрий садолар кўкка ўрлади:

Ёр-ёр, ёр-ёр, ёр-ёр-эй...

Тўй соҳиблари қулиб йиғладилар, йиғлаб қулдилар. Икки ёшнинг боши қовушди.

“МАЪРИФАТПАРВАРЛАР” жамиятининг Нуробод туман бўлими жамоаси


*Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси байрами билан барча зиёлилар-
ни, маънавият ва маърифат аҳлини самимий
табриклайди!*

Реклама

ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ, КИМЁ САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

**Бош Қомусимиз қабул қилинганининг
19 йиллик қутлуғ байрами
билан барча юртдошларимизни,
қолаверса, соҳамиз ходимларини чин
дилдан табриклайди!**

**8 декабрь — муболағасиз айтиш
мумкинки, озод ва обод Ватанимизда
яшайтган ҳар бир фуқаро ҳаётида
унутилмас, тарихий кундир. Инсон
манфаатларининг асоси бўлмиш Ўзбе-
кистон Республикаси Конституция-
сида халқимизнинг ижтимоий ҳақ-
хуқуқлари, меҳнат қилиш, дам олиш,
барча имтиёزلардан фойдаланиши бе-**



**восита кафолатлаб қўйилган. Шун-
дай экан, барча оилаларга тинч-то-
тувлик, аҳиллик ва сиҳат-саломат-
лик ҳамиша йўлдош бўлишини тилаб
қоламиз.**

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Реклама

Кўз тегадими ёки сўз?

СИНОЛТ

Кўз тегиши, кинна-суқ кириши, назар-нафас деган иримлар бор нарсами ёки ёлгонми? Нега десангиз, менинг ўзим бир неча марта гувоҳ бўлдим: тўрт ёшли ўғлим уйимизга меҳмонлар келса, яхшигина ўйнаб юради. Улар кетиши биланоқ қорни ёки бирор жойи оғриб қолади. Кекса онам дуо ўқиб, нон силаб ташлагач, тинчланади. Бу нима, гипнозми ёки бошқа биз англаб етмаган ғайритабиий сир-синоатми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

С. ТҲУХТАЕВА,
Жиззах вилояти.

**Ушбу саволга кўп йиллар-
дан бери руҳий муолажалар
билан шугулланиб келаётган
табиб Феруза ҚОДИРОВА жа-
воб беради:**

— Кўз инсоннинг энг муҳим аъзо-
си саналиб, ва ниҳоятда авайланиши
бежиз эмас. Шу боис халқ орасида
унга нисбатан "эгали" деган ибора ҳам
ишлатилади. Биз ана шу миттигина
"экран" орқали бутун дунёни, тева-
рақоламини кўрамыз, англаб, тафаккур
қиламыз.

Энг қизиги, қалбимиз сийрати
бўлмиш бу аъзо биз инсонларни ҳай-
ратга солғулик даражада руҳий ва маъ-
навий сирли қувватга эгаллиги билан ҳам
ажралиб туради. Масалан, кимдир
қаттиқ тикилиб турган бўлса, буни дар-
ров сезамиз ва ногоҳон ўша томонга ўги-
рилиб қараймиз. Бу кўзимизнинг сизу
биз илғаб бўлмайдиган ижобий ёки
салбий нур оқими келаётганидан бер-
ган хабаридир.

Одамлар орасида, ишонинг, ҳатто
кўз нигоҳи билан айрим буюм-нарса-
ларни ўз жойидан жилдиришга қодир
бўлган қобилият соҳиблари ҳам учрай-
ди. Аслида, ҳамманинг ҳам бошқаларга
кўз-суқи тегиши, кириши мумкин.



Ҳатто ота-онанинг ўз боласига, эрнинг
хотинига, уканинг акасига, опанинг
сингилга ҳам кўзи тегиши мумкин. Бу
табиий ҳолат. Шу боис бола иштаҳа
билан овқатланаётганда ёки яйраб
ўйнаётганда унга қаттиқ тикилиб қараб
бўлмайди. Сизгир кишилар агар бе-
ихтиёр шундай ҳолат рўй берса, «туф-
туф» деб, ўзидаги салбий қарашни
қайтаришга уринади.

Қадимда тез кўз тегадиган бола-
лар ёхуд кўзи ёрийдиган аёллар, хали
"чилласи" чиқмаган келин-куёвларни
имкони борича одамлар назаридан
сақланишга даъват этишган. Ёки

кўпчилиكنинг эътиборини тортмаслик
учун одмирок, камтарона либосда
юришган. Бундай хатти-харакатларни
ана шундай ёмон назар, нафаслардан
ўзини химоя қилишга уринишлар деб
айтсак тўғри бўлади.

Албатта, ҳар қандай одам ўзига кўз
теккани, суқ кирганини сезиши кўпма
қийин эмас. Бундай пайтда биринчи
навбатда унинг руҳиятида ва танасида
ҳар хил ўзгаришлар кузатилади. Ми-
сол учун, кимдир асабий, яна биров
эса касалманд ва инжиқ бўлиб қола-
ди. Ҳатто айрим ҳолатларда тез озиб
ёки, аксинча, семириб кетади. Баъзан
оиласида нотинчлик рўй беради, боши
оғриб, қон босими кўтарилади. Тез
чарчаб қолади, уйкуга тўймайди. Боши
айланиб ҳолсизликдан қийналади.
Баъзиларда, айникса, ёш болаларда
қорин ва киндик атрофида қаттиқ сан-
чикли оғриқ туриб, қусиш ҳам кузати-
лади...


Замонавий парапсихологларнинг
таъкидлашича, ҳар юз кишидан 92 та-
сида «кўз» бор, фақат уларнинг таъ-
сир кучи турлича бўлади. Халқ табо-
батыда бундай нохушликларни даво-
лашнинг қадимги усуллари ҳалигача
халқимиз орасида сақланиб келяпти:
яъни оқар сувда узок чўмилиш ёки
душда туриб «ёмон қувват»ни ювиб
юбориш мумкин. Поклангандан сўнг
илоҳий дуоларни ўқиб юриш ҳам бун-
дай балолардан сақланишга сабаб
бўлади. Энг осон йўли эса "минг дард-
га даво", дея таърифланадиган иси-
рикни хонадонларда тез-тез тутатиб
туриш ҳам жуда катта фойда беради.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА
ёзиб олди.

АЖАБ ОЛАМ

Қовоқдан тунчироқлар

Сиз кўриб турган қандил, тунчироқ ва стол
лампалари қовоқдан кўл меҳнати ила ясал-
ган бўлиб, маҳсулотлар туркуми "Calabarte"
дизайн маркасига тегишлидир. Бундай
мўъжизаларни яшаш учун аввал қовоқнинг



ичи тозаланиб, кейин яхшилаб ҳуритилади.
Қовоқ пўсти қаттиқ ҳолатга келгач, ички ва
ташқи қисми турли ҳашаротларга қарши
қўлланиладиган, аммо инсон учун зарарсиз
препаратлар билан тўйинтирилади. Шундан
сўнг хунараманд устанинг меҳнат жараёни
бошланади. Уста қовоқ теграсида хилма-хил
нақш-ўймакорлик ва лоқлаш ишларини амал-
га оширади. Маълум фурсат ўтгач, нақшин-
кор ёриқларидан нур таралиб турувчи ажой-
иб кўринишдаги тунчироқ ёки қандил ҳосил
бўлади.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

Меҳмонлар қайтаётган маҳал осмон юлдузларга тўлган, барқашдек оймомо ҳовли четидаги каттақон ёнғоқ тепасида қизғиш нур сочмоқда эди. Ёш-яланглар уйлари тозалаш, идиш ювиш, бирови ҳовли саҳнига сув селиб, супуриш билан овора эди.

«Ниҳоят, бир тоғдан ошдим, — энгилгина тин олди Саодат буви. — Ҳартугул, кенжатоим-на ҳам ёқадиган қиз учради-я! Нақ бир йил ҳали у, ҳали бу эшикка боравериб, оёқларим толди, қовушларим йиртилди».

Буви сўрида ўтирган кўйи ўз-ўзига сўзлар, дам жилмаяр, дам ажин оралаган юзларига кўз ёшлари юмаларди.

Онаҳоннинг бундай кунларга етмоғи осон кечмади. Оғир хасталик эрини эллик ёшида тўшакка миҳлаб қўйди. Уч йилдан сўнг қаза қилди раҳматли. Ёлғизқул аёлнинг беш жонни оқ ювиб, оқ тараб, отаси борлардан камситмай вояга етказиш йўлида тортган заҳматлари ёлғиз Узига аён...

Аллоҳга шукр, икки қизини узатди, икки ўғилни уйли-жойли қилди. Мана, ниҳоят кенжатоидан ҳам кўнгли хотиржам бўлди.

Ичкаридан кимдир ўғлини чақирди. Азимжон ошхона томондан чиқди. Нигоҳлари билан онасини қидирди.

— Азимжон, болам...

— Лаббай, онажон...

Буви ўғлининг пешонасидан ўпди, елкасини силади:

— Илоҳим, бахтли бўлгин, кўша қаригин.

Она дилбандининг ортидан яна узок дуо қилди.

— Ишқилиб, ўту пахтадек бўлиб яшашсин. Доғини кўрмайин...

Келин буви орзу қилгандай оёқ-қўлли, чакқон, укувли, шад-додгина чиқди. Ҳеч қанча ўтмай рўзгор бошқаришни ҳам қўлига олди. Маликанинг айтгани айтган, дегани деган бўлди. Она ҳам орадан кўп вақт ўтмай шунча йил яшаб келган иссиққина

қулбасини совутиб, дарвозадан кираверишдаги кичик бир хонага кўчирилди.

— Бир ўзи ёлғиз яшаётган бўлса, каттақон уйнинг нима кераги бор? — деди Малика эрига.

Файзли уй меҳмонхонага айланди. Буви кўнди.

Орадан олти ой ўтгач, келин-пошшо дастурхонни ҳам ажратди...



Йиллар ўтди. «Келин сигдирмас» деган ном олишдан орқилиб, ҳеч кимга оғиз очмаган буви бора-бора ёлғизланиб қолди. Ҳар гал ўғлининг ишдан қайтишини сабрсизлик билан кутадиган соғинч тўла юраги ўрнини туганмас ва адоғсиз армону хўрликлар эгаллади. Ўғил остонада туриб бўлса-да, онадан ҳол сўрашга ҳам ярамай қолган эди...

Она торгина уй деразасидан меҳр қўйган фарзандининг ўз ўғилчасини тиззасига олиб эркалашларини кузатар экан, унинг «Онажон, мен катта бўлсам, сизни самолётларда учираман, чунки сиз дунёдаги

энг яхши онасиз», деган сўзларини эслаб, меҳри жўшиб, унинг ёнига боргиси, бағрига босгиси келарди. Лекин орада кўзга кўринмас тирик панжара она-болани ажратиб турарди.

Буви ўғлини қаттиқ соғинганди. Ўрнидан туриб, эшикни очди. Эндигина катта уй томон бир қадамгина босганди ҳамки, ичкаридан келини чиқиб қолди. Уни кўрди-ю, ўзини панага олди.

Ҳар сафаргидай: «Ҳа, нима гап яна? Уйингизда жимгина оёқ-қўлингизни узатиб ётсангиз нима қиларкин-а? Еяна қорнингиз очдимиз? Киригингиз, уйга киригингиз. Ҳозир болалар олиб кириб беришади», дея уришиб беришдан чўчиди.

Кунларнинг бирида эса эшиги олдида ўйнаб юрган кичик неварасини ёнига чақириб, бағрига босди. Қачонлардан буён камзулининг ички чўнтагида олиб юрган икки донагина ёнғоқ билан майизни унинг қўлига тутқазди.

Набирасининг онахонга термулиб, осмондан тушгандек оҳангда:

— Буви, сиз жиннимисиз? —

деган гапи бошидан муздек сув қуйган каби таъсир қилди.

— Бу гапни сенга ким айтди, тойчоғим?

— Ойим сизни доим шунақа дейдилар...

Она шу лаҳзада чўкиб кетди... Чўккандаям ёмон чўқди. Қорнимгамас, қадримга йиғлайман деганлари рост экан. Умрининг энг гўзал онларини фарзанди учун сарф қилган онанинг орзулари саробга айланса, йиллар давомида аямай берган меҳр қайтмас... Нима қилсин, қаёққа урсин бошини, кимга дод солсин?! У шу тун ўқиб-ўқиб йиғлади.

Бир ойдан сўнг Саодат буви телба бўлиб қолибди, деган гап чиқди. Боиси, буви маҳалладаги қайси хонадон эшиги очиб бўлса, индамай кириб борар, чой, овқат сўрар, ўша ерда қорни тўйиб, ушлаб қоларди... Ҳатто бир гал бувининг эғнидаги етти қават қўйлақларини ечиб олиб, ювинтирган қўшини — Хислат хола қаттиқ ранжиди:

— Энди устма-уст кийманг. Тўғри бизни кичкина чиқинг. Ўзим бўлмасам, мана, келинлар ювиб, дазмоллаб беришади.

Бир сафар Хислат холанинг кенжа келини:

— Ойжон, мана шу бувининг ўғиллари, қизлари, келинлари бор. Нега энди кунлари доимо бизни кичкина ўтади? — деган эди, Хислат хола уришиб берди:

— Миннат қилманглар, қизим. Ким қилмагай, ким тортмагай. Ҳар биримиз бу дунёдаги савобу гуноҳларимиз учун Парвардигорнинг олдида жавоб берамиз. Одамлар савоб қидириб юришади. Сизники олдин-

гизда турибди. Шу ғариб инсонга қанча хизмат қилсангиз, сизга Аллоҳ беради. Уйламанглар, ҳеч қачон қилинган ёмонлик беиз кетмайди. Бир кун келиб, шундай аёлни кўчаларда тентиратиб қўйгани учун уйдаги келин ҳам тегишли жазосини олади. Ҳар бир одам оёқ тагини эмас, узоқни кўзлаб яшаши, ҳаракат қилиши керак...

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қишининг совуқ кунларида бувининг хонадонидан йиғи овози эшитилди — онахон бандаликни бажо келтирган эди. Бувини қўлма-қўл қилиб қабристонга элтишди...

Келин — Маликаҳоннинг феъл-атвори аллақачон барчага маълум бўлганди. Онамлаб йиғлаш у ёқда турсин, кўзида бир томчи ёш айланмади.

Кунларнинг бирида эса... «Вой-дод, мен кимга ёмонлик қилгандим? Ёлғизгина қизимга шу дардни раво кўрдингми, Аллоҳим?!» дея қилган фарёдини эшитиб Хислат хола югуриб чиқди.

Малика айвонда додлаб йиғлар, бўй етиб қолган қизи эса сочлари ёйиқ, ҳовлининг этагида югуриб юрар, ўзи гапириб, ўзи куларди...

Хислат хола тавба дея ёқа ушлади. Бу ушқоқина қайнонанинг хизматини қилиш ўрнига уни ўғли ва набиралари меҳридан айиргани учун келинга берилган жазо эди.

Ҳеч қанча вақт ўтмади. Қизикучу узок вақт даволанганч, тузалиб кетди боёққош. Лекин Маликаҳоннинг қон босими кўтарилиб, тўшакда ётиб қолди. Ана шундагина у бир оғиз ширин сўз инсон дардига малҳамлигини, яқинлар меҳри инсонга нақадар зарурлигини, ёлғизлик оғир қийноқ эканини ҳис этди. Йиғлади. Узок йиғлади. Қайнонаси руҳидан узр ва қувват сўради. Лекин энди кеч эди...


Лобар РУСТАМОВА

Асосий Қонунимизда ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилган. Дарҳақиқат, кейинги йилларда фермерлик соҳасида эришилаётган улкан муваффақиятлар замирида ҳам бевосита фуқароларнинг яхши яшаши, ҳалол ишлаши ҳамда мавжуд имконият ва имтиёзлардан оқилона фойдаланиши билан боғлиқ конституциявий мезонлар ётибди.

Реклама

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИДАГИ “УМСИН МОМО” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

аъзолари ҳам 8 декабрь — бахтимиз қомуси ҳисобланган Конституциямиз қабул қилинган кун билан юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган фермерлар ва уларнинг оила аъзоларини чин юракдан қутлайди!



Уша куни ишдан кеч қайтдим. Йўл четнда туриб, дуч келган машинага қўл кўтараман, аммо бирортаси тўхтамай демасди.

— Қизим...
Синиқ овозни эшитиб, ортимга ўтирилдим. Юпунгина кийинган қария менга нимадир демасди бўлиб турарди.

— Ассалому алайкум, ота, тинчликми?
— Кампирим балнисада эди, бор пулимга дори олиб бериб...
— Қаёққа борасиз, ўзи?
— ... тумани марказига.

— Хижолат бўлманг, йўлимиз бир экан, йўлқирани ўзим тўлайман.

— Раҳмат, умрингдан барака топ, қизим.

Мен ҳам ўзимча ҳамроҳ топилганидан хурсанд эдим. Ниҳоят, ёнимизга бир энгил машина келиб тўхтади. Йўл ҳақини келишдик. Ҳайдовчининг ёнидаги ўриндикда бир киши ўтиргани учун отахон билан орқага жойлашдик.

Ўзим билан ўзим хаёлга берилиб кетаётганим. Бир маҳал ҳалиги отахон ярим йўлга келганда:

— Шу ерда тўхтаворинг, — деди тўсатдан.

— Ие, нима бўлди, ота? Манзангиз қочдим, манзилимиз бир эди, шекилли? — дедим ҳайрон бўлганча.

Чол шу ерда зарил иши борлигини айтиди-да, шоша-пиша тушиб кетди.

Бироздан сўнг марказга етиб келдик. Пул олиш учун сумкамни кўлимга олсам, очик ҳолда турганини кўриб юрагим шув этди. Қарасам, ҳамёним йўқ эди...

У ёғини сўраманг, газабдан дағ-дағ титраганча ўғлимга кўнгирак қилиб, уйдан йўлқира учун пул олиб чиқишини сўрадим.

Гап нимадалигини билган ҳайдовчи афсус билан бош чайқайди.

—Э, нимасини айтасиз, синглим, кўпинча кексалар ёшлардан нолишди. Беадаб, катталарга хурматни, кичикларга иззатни билишмайди деб. Манави кисса савур чолга ўшаганлар-чи? Уларни ким деб аташ мумкин?

Сизнинг қилган одамгарчилигингиз улар учун бир пул. Нима бўлса-да, кўнгли бўшроқ, раҳмдил одам топила қолса, аяб ўтиришмайди. Ахир, бу ёшда инсон ортда қолган умрининг сарҳисобини ўйлаб, билиб-билмай қилинган гуноҳларга Яратгандан авф сўрамайди? — деди афсус-надомат билан.

Мен эса нима дейишни ҳам билмай секингина пулни узатдим-да, тушиб кетдим...

...Кўча-қўйда ҳар доим саломалик қилиб турадиган аёлнинг келини кетиб қолибди. Бир куни учрашиб қолганимизда менга илтимос қилди:

— Сингилжон, келинимнинг иш-хонасига кириб, у билан бир гаплашинг. Бир-икки оғиз насихат беринг. Сизни каттиқ хурмат қиларди. Ажаб эмас, оиласига қайтсан...

Аслида, эр-хотинлар ўртасига тушиб ниҳоятда нозик ишлигини билсам-да, лекин ўртада икки норасида гўдақ борлиги боис учрашишга рози бўлдим.

Аваллига қайнонасини, кейин эса эрини мақтадим. Турмуши бузилган оилаларнинг афсус-надоматини айтдим. Мени жимгина туриб эшитди. Хайрлаша-ётганимизда секингина "Яраша-сизми?" дедим, у бош чайқайди. Эртаси куни борган эрининг олдига тушиб келганини эшитиб роса севиндим.

Орадан олти ойча вақт ўтди. Улар ўртасида тагин муроса қочганини эшитдим. Келин яна аразлаб кетиб қолибди.

Бир куни қайнонасини кўчада учратдим. Саломлашгани ҳам келмади. Кўнглим гаш бўлди. Келинининг соғлигини сўрасам, жавраб кетса бўлади:

— Келиб-келиб сизга ялина-

манми энди? Келинимга ажрашиб, болаларга алимент ундириш ҳақида роса яхши маслаҳатларни берган экансиз, эшитдик!

Тилим калимага келмай қолди. Ёқамни ушладим.

— Опажон, бу нима деганингиз? Сизнинг келинингиз ажрашиб кетса, менга нима наф? Ушанда сиз илтимос қилдингиз, тўғрими, қўлимдан келгунича насихат қилдим, қайтиб келди. Менинг айбим ўз оиласига қай-

лари, одамгарчилиқни бошқача тушунганлари менга кўпроқ алам қиларди...

...Ҳамкасб аёл шундай воқеани сўзлаб берганди:

— Узоқроқ қариндошимизнинг қизи институтга кирган экан. Кеч куз эди ўшанда. Бир оқшом она-бола оstonамда пайдо бўлишди.

— Ётоқхонада шароитлар



тарганимми?

—Э, қўйсангиз-чи!

— Ишониниш-ишонмаслик виждонингизга ҳавола, опа. Яхши қолинг...

Кетиб бораяпман-у, онамининг ҳар гал дастурхон бошида айтган дуоларини хотирлаб олдим. Келиб, яхши қилибсизлар, — дедим чин кўнглидан. Қиз бизга ҳамхона бўлди. Эртага бир оилга бека бўлади, деган ўйда унга билмаганларини ўргатишга ҳаракат қилдим. Бир ойда рўзгорнинг кўп ишларини уddалайдиган бўлди. Аммо унинг бир одати, яъни телефонда ярим тунгача курсдош йигитлар билан суҳбатлашиб чиқиши сира ёқмасди. Бу ҳам ҳолва экан, қор ёққан кечаларда «Фалончи дугонам билан ташқарида гаплашиб ўтираман» деган баҳоналар билан кўчага чиқишни ўрганди. Бир-икки яхши гап билан рухсат бермадим. Ахир, у қиз

яхши эмаскан, шунинг учун...

— Бизникида ашайверсин, холажон. Қайтанга, укаларидан кўнглим бироз хотиржам бўларди. Келиб, яхши қилибсизлар, — дедим чин кўнглидан.

Қиз бизга ҳамхона бўлди. Эртага бир оилга бека бўлади, деган ўйда унга билмаганларини ўргатишга ҳаракат қилдим. Бир ойда рўзгорнинг кўп ишларини уddалайдиган бўлди. Аммо унинг бир одати, яъни телефонда ярим тунгача курсдош йигитлар билан суҳбатлашиб чиқиши сира ёқмасди. Бу ҳам ҳолва экан, қор ёққан кечаларда «Фалончи дугонам билан ташқарида гаплашиб ўтираман» деган баҳоналар билан кўчага чиқишни ўрганди. Бир-икки яхши гап билан рухсат бермадим. Ахир, у қиз

ВАТАН

Отаси қулоқ қилинишини эшитиб қочиб кетганида у жажжигина қизалоқ эди. "Қулоқ" деган сўзнинг маъносини тушунмаса-да, оиладаги кўргуликлар сабаби шу сўз билан боғлиқ эканини англади. Озгига кучи етмаганларнинг "Қулоқнинг қизи", деп пичирлашишларидан безиб кетди. Отасини соғиниб, пана-панада йиғлаб олди.

Ота ойда-йилда ярим тун яширинча келиб, болаларини кучар, қандай тўсатдан пайдо бўлса, шундай тезликда ғойиб бўларди. Бир-бирларининг дийдорлари га тўймай қолишарди. Шўрлик она эрининг қулоқ бўлишига сабаб кичкинагина тегирмонга лаънат айтгани-айтган эди.

Орадан йиллар ўтиб, ота хор-зорликда ўтиб кетди. Қаерда, қандай жон берди, қаерда дафн этилди — яқинлари билмади ҳам. Ушанда илк бор жажжигина қизалоқнинг юраги титраб кетди...

Йиллар ўтди. Балоғат ёшига етган қизни ёр-ёр садолари остида қувёга узатишди. Бироқ у атиги бир ойгина оила деб аталмиш сирли салтанатнинг бекаси бўлди. Уруш бошланиб, эрини фронтга жўнатишди. Қорнида қолиб кетган боласига ота дийдорини кўриш насиб этмади. Кейин эса... укасини аввал уйда Абдулла Қодирий асарларини сақлагани

учун, кейин Оқсарой ҳақида шеър ёзгани учун сургун қилишди...

Унинг қалбидега исмсиз саволлар гужон ўйнади: Нега отаси қулоқ қилинди? Нега дарбадарликда ўлиб кетди? Нега ўзи баҳор ёшида бева қолди? Нега укасининг гул умри қамокда ўтди? Нега?..

Уни Мустақиллик уйғотиб юборди. Юрагидега исмсиз саволларга жавоб топгандай бўлди. Қаранг-а, кичкина бир тегирмон курган отаси хор-зорликда ўлиб кетди. Энди эса... кучи етганлар заводалар қуришяпти, қорхоналар сотиб олишяпти.

Оила деб аталмиш сирли салтанатнинг атиги бир ой меҳмони бўлди. Кейинги умри ёрига садоқат билан, ёрини кутиб ўтди.

Бугун эса... Кўз тегмасин, замона тинч, осмон мусаффо!

Абдулла Қодирий асарларини сақлагани, Оқсарой ҳақида бир жажжи шеър ёзгани учун шўрлик укасининг кўрмаган азоби қолмади. Икки марта сургун қилинди.

Бугун эса... Телевизордан "Ўтган кунлар" фильми тўшмайди! Кумуш ёки Отабек ҳақида шеър ёзмаган шоирнинг ўзи йўқ! Ўзбекистоннинг урта муаззам шаҳрида Амир Темурнинг ҳайкали савлат тўкиб турибди! Қадим Шахрисабзга "Амир Темур"

ордени берилди! Сохибқирон бобомиз миллатнинг ғурурига айланди!

Афгон тупроғига бедарак йўқолган боласи соғинчида юраги ёнган аёлни кўриб ўзининг ҳам юраги ёнган эди. Йигирма йилки, Ўзбекистон мустақил!

Ўз тақдирини ўзи ҳал қилади! Пахта экиб, косаси оқармаган деҳқон танишига бегоналар "Ўзбек иши" иштирокчиси, дея айб қўйишди. Қамаб юборишди.

Бугун эса... Ўзбек ўзига бек! У буларнинг ҳаммасини идрок этди. Буларнинг ҳаммасини чоғиштирди ва Мустақилликнинг улкан қудратини ҳис қилди. Лаблари секингина пичирлади:

— Мен Ватанни қайта кашф этдим!

ОТАХОН

— Ассалому алайкум. Йўл бўлсин, отахон?

— Ваалайкум ассалом, қизим! Шаҳрисабзга — тўйга бораяпман. Кураш бўлармиш, деб эшитдим.

— Нима, сиз ҳам кураш тушасизми?

— Йўқ, томоша қиламан.

— Байрам кунни кўрдим сизни, стадионда хўп ўйнадингиз. Мазаза қилиб томоша қилдик.

— Нима қилай, Замира Суюнова "Ўйнанг, отахон", девди-да.

— Тошкентдан шоир ўғлингиз ҳам келиб турибдими?

— Ҳа, яқинда телевизорда "Ассалом" — да шеър ўқиди, сизам кўрдингизми?

— Ҳа.

— Абдулла шоир билан суратга туш-

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

ган, устозим бўлади, дейди.

— Зўр-ку!

— Мен ҳам расмга тушганман Абдуллар билан.

— Қайсилари билан, ёнингиздами, кўрсатинг.

— Мана, бу киши Абдулла ака, ёнидаги Сирожидин Саййид, буниси машхур полбон бор-ку — Абдулла Тангриев...

— Неча ёшга кирдингиз, отахон?

— Саксонга қараб кетяпман...

— Насиб этса, юз билан ҳам юзлашарсиз...

— Худо хоҳласа.

Отахон билан кечган қисқагина мазмунли суҳбатдан кўнглим яшнаб кетди. Орамизда қанчалар самимий инсонлар бор-а!

АКСИОМА

Қора ранглари кўради унинг кўзлари факат. Кўрган рангидан куч олиб, сайрай бошлайди бўғилиб кетгунча то. Унинг тегирмонига сув қўювчи ҳам топилади қарсақ чалиб.

Аммо сўзларидан афтини буриштирганлар-да кўп. Негаки, уларнинг кўзлари кўриб турибди-да камалакдек товланётган бошқа ранглари.

Аслида, ҳаёт ҳар қайси даврда ҳам ранг-баранг, соянинг тепасида нур, қоранин атрафда оппоқ олам яшагани каби.

«Шукр» деган сўзни айтиш учун шу оддийгина аксиомани билиш кифоя.

Лола ЎРОҚОВА

ОЙНА

менга онасининг омонати, нима қилиб бўлса-да, ўзини, шашини асрашим шарт эди. Лекин, афсуски...

Тергашларим жонига тегдими, ҳалиги қиз бир куни ишдан қайтсам, лаш-лушларини йиғиштириб, хайр-хўшини ҳам насия қилиб жўнаворибди. Ундан хавотир олдим, кўнгирак қилсам, гўшақни ҳам кўтаргиси келмади. Охири онаси билан боғланишга мажбур бўлдим. У ҳали мен гап очмасимда:

— Хафа бўлманг-у, қариндош, қизимга уззу-кун иш қилдиранкансиз. Ҳатто дарс тайёрлашга ҳам вақт тополмай қолганидан дугонаси яшаётган квартирага кўчишга мажбур бўлибди, — деса бўладими?

Бўғзимга нимадир текилди. «Ҳа, икки хонали уйда қизингизни кўшга қўшиб, ер ҳайдатдим!» дегим ҳам келди, бироқ ҳали ўн гулудан бир гули ҳам очилмасдан ёлғон гапиришни ўргангани мени ўйлантириб қўйди. Индамайгина хайрлашдим-у, кўзларимга ёш келди. Муштдеккина қизнинг қалбимни вайрон қилиб кетгани кўнглимни оғритди...

Орадан тўрт йил ўтди. Энди жазирама ёз кунларининг бирида яна она-бола эшигимни қоқишди. Ҳайрон эдим. Ахир, қиз институтни тамомлаган, менда қандай ишлари бўлиши мумкин? Ўн дақиқадан кейин ҳаммаси маълум бўлди.

— Ёшлик қилибди, адашибди, опаси, ёрдам қилинг. Таниш докторларингиз бўлса...

Қулоқларим чиппа битиб қолди. Унинг бу «адашиш»ида ўзимни айбдор сездим. Афсуски, уларга ёрдам беролмасдим энди...

Бундай ҳаётий воқеалар кўпларининг бошидан ўтган. Уларни унутиш ҳеч гап эмас. Фақат айтгингиз келадди: одамлар орасида ҳали чин одамийлик ўлмаган. У яшапти. Баъзилар уни топтаб ўтмаса, тўхмат билан озини бўяшга уринмаса, ҳали кў-ў-ўп яшайди...

Шахло ТОШБЕКОВА

Оила соғлом — жамият соғлом

ФХДЁ ФАОЛИЯТИ

Кўпчилиги ФХДЁ идорасига фақат оила қуришдан олдин борилади деб ўйлайди. Аслида эса, ҳамма учун эшигимиз ҳаммаша очик. Юртдошларимиз оила, никоҳ масалаларида савол ё маслаҳат билан мурожаат қилишса, биз адлия ходимлари жуда мамнун бўламиз. Афсуски, айримлар қачон эр-хотин ўртасида бирор жиддийроқ муаммо пайдо бўлсагина, ФХДЁ бўлимини излаб қолишади.

...Бир кун тузуккина кийинган аёл келиб, ўғли ва келинини қонуний никоҳдан ўтказмоқчилигини айтиди, бу ҳақда тушунтириш беришимизни сўради. Мен эса аввал ўз вазиятини тушунтиришни илтимос қилдим. Мехмонимиз икки ёш шу пайтгача шаръий никоҳ асосида яшаб келаётгани, бироқ келиннинг ҳомиласи ҳар гал нобуд бўлаётганини маълум қилди. Ҳозир эр-хотин бирга да-



воланаётган экан. Агар улар тўйдан олдин тиббий қўриқдан ўтиб, сўнгра оила қурганида борми, ҳозир ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди? Майли, ҳечдан кўра кеч, дейдилар. Ўғли ва келини неча йиллардан бери бирга яшаб келаётган бўлса-да, улар-

нинг оиласи ҳуқуқий аҳамият касб этиши учун, аввало, тиббий қўриқдан ўтиш лозимлигини таъкидладим. Назаримда, қайнона ҳаммасини тушунди: "Давлатимиз бекорга тиббий қўриқни чиқармаган экан. Тўй қилишга шошилмай, барчасини бадаштр бажарганимизда ҳозир кўзунчоқдек икки неварам бўлармиди?" деб қаттиқ афсусланди.

Ҳа, соғлом авлодни вояга етказиш, соғлом оилавий муҳитни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида эътироф этилаётгани бежиз эмас. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Соғлом оила вужудга келиши учун, энг аввало, жамият ва давлат қайғуриши, шунга замин яратиб бериши лозим. Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинч-осойишта бўлади».


Комила ШАРИПОВА,
Олтинсой туман ФХДЁ
бўлими mudiri.

ТАБИАТ — ДОРИХОНА

Турпнинг фойдаси кўп

Турп илдизмеваси таркибида ўртача 1,92% оксил, 1,58% қанд, 1,55% клетчатка, 8—29% С ва В витаминлари бор. Асосан, янгилгида, айрим вақтларда доривор сифатида истеъмол қилинади.

Турп бадандаги шиш ва гализ моддаларни тузатади, ел пайдо қилади, кўп истеъмол қилинса, кекиртиради. Аммо уруғи кекиришга қарши малҳамдир. Ошқозонда намлик кўп бўлса, овқат ҳазмини қийинлаштиради. Турпда учта ажойиб шифобахш жиҳат мавжуд: барги ички бодларни таркатади, уруғи сийдикни ҳайдайди, ўзи эса балғамни йўқотади.



Меъёрдан ортиқ ейилса, бошга ва тишга зиёни бор.

Турпни ичини бўшатиб, қизил гул ёғи солиниб, қайнагунча олов устига қўйилса, кейин ундан бир томчи томизилса, қулоқ огригига тез ва кучли таъсир қилади. Мутахассислар турпнинг кўзга зарари борлигини айтишса-да, лекин суви томизилса, кўз ичидаги доғни даф қилишини алоҳида таъкидлашган.

Барги эзилиб, кўз тагига қўйилса, қоннинг уюлиб қолиши оқибатидаги кўк доғларни йўқ қилади. Эзилган барги асал билан хамир қилиб кўзга қўйиб боғланса, гавҳарга тушган ва хиралаштирган сувни таркатади, равшанлаштиради.

Турпни сувда қайнатиб истеъмол қилинса, эски йўталга шифо бўлади. Кўкрак ичида пайдо бўлган моддаларни сулўтириб ташқарига ҳайдайди ва заҳарли кўзқорин истеъмолдан қолган томоқ огригига шифо бўлади.

Овқатдан кейин турп истеъмол қилинса, қоринни юмшатади ва озуқанинг ҳазм бўлишига ёрдам беради.

Ҳар кун уруғидан 2-3 грамм миқдорда ейилса, бўғимларнинг лўқиллаб огришига шифо бўлади, сондаги огриқларни йўқотади, балғам туфайли баданда пайдо бўлган қичимани ҳам даф этади.

Абу Али ибн Сино ҳазратлари турп ҳар қандай таомни ҳазм қилдиришда, жигар ва талоқдаги тугунларни очишда, шунингдек, истиско ва сарик касалликларида ҳам ниҳоятда нафи борлигини таъкидлаган.

Турпнинг ичини қовлаб, шолғом уруғи билан тўлдириб, хамир ўртасига қўйиб, олов қўрида пишириб, асал билан қўшиб, уч кун истеъмол қилинса, қовқудга тошларни майдалаб туширади.

Бобур КЕНЖАБОВ тайёрлади.

...Машхура Расулова туғруқонага келиб, ҳомиласини олиб ташлашни илтимос қилади. Шунда шифокорлардан бири Алишер Азимов боланинг дунёга келиши-

Аммо орадан саккиз-тўққиз ой ўтиб, Машхура Расулова судга даъво аризаси билан мурожаат қилади. Ҳозирда боланинг отаси

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

1 октябрда оилавий шароити огирлиги учун туққан фарзандидан воз кечиши, кейинчалик боласини қидирмаслиги ва кимдалигини суриштирмаслиги ҳақида тилхат ёзиб бергани ҳам аниқланди.

Суд ҳайъати жабрланувчи Машхура Расуловага фарзандини қайтариб олиш масаласи бўйича фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топди. Шифокор Алишер Азимов эса бир йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифалари юқлатилган лавозимда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, унга нисбатан икки миллион ўттиз тўрт миң олти юз етмиш беш сўм жарима солинди. Алқисса, кимгадир яхшилик қиламан деб ўзингизга ёмонлик қилиб қўйманг. Яхшилик ҳам қонуний бўлсин!

Азамат ШОМУРОДОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Тошкент вилояти Бекобод
шаҳар судининг раиси.

Қонунга зид...

«Эзгулик»

Шу йилнинг сентябрь ойида Жиноят ишлар бўйича Тошкент вилояти Бекобод шаҳар суди ноқонуний фарзандликка олиш ишини кўриб чиқди.

га озгина вақт қолганини таъкидлаб, бироз сабр қилиб туриб берса, яхшигина пул топиши ва, қолаверса, фарзандсизлик оқибатида ажрашиб кетаётган бир оилани асраб қолиши мумкинлигини айтиди. Машхура Расулова шифокорнинг гапларига кўнади ва фарзанди дунёга келгач, унинг туққанини ҳеч кимга айтмасликни илтимос қилиб, болани ташлаб кетди.

Қодир Соқиев билан муносабати яхшилиги, унга турмушга чиқаётгани, фарзандларини ўзлари боқмоқчилиги юзасидан қўрсатма беради. Суриштирув пайти шифокор Алишер Азимов, ҳақиқатан ҳам, Машхура Расулованинг боласини олиб, бир неча йилдан буён бефарзанд юрган жияни Фурқат Азимовга бериб юборганини тан олди. Лекин жабрланувчи Машхура Расулова 2010 йил

“Оилада уч фарзандимиз. Мендан катта икки акам бор. Ёлғиз қиз бўлганим учунми, доим улар билан ўйнар, имконим бўлди дегунча ортидан қолмасдим. Қишлоғимиз четида бўш жўй бўлиб, болалар бу ерни спорт майдончаси қилиб олишган эди. Дарсдан кейин акаларим ўша ерда футбол ўйнашарди. Онамнинг койишларига қулоқ солмай, эргашиб кетаверардим. Болалар икки гуруҳга бўлиниб футбол ўйнар, баъзан ўғил бола етмай қолса, мени ҳам ўз сафларига қўшиб олишарди. Пешанамдан тер қуйилиб, оёқларим зиркираб огривса ҳам ҳимояда турардим. Шунинг учунми, қизларга қўшилгим келмас, очинги, улар билан унчалик чиқишолмасдим.

Бир кун... ҳалигича ўша сана сира эсимдан чиқмайди. Қиш, ҳаво совуқ бўлса-да, акаларим билан футбол ўйнагани бордик. Қутилмаганда оёғим лойга сирпаниб кетиб, йиқилиб тушдим. Оғриқ азобидан доғлаб йиғлаб юбордим. Акаларим мени опичлаб, уйимизга олиб келишди. Онам шошиб қолганидани, аввалига бир-икки кун ўз билганича даволади. Лекин оғриқ кучаявергач, дод-войимга чидолмай, дўхтирга эмас, кўшни қишлоқда яшайдиган синиқчи табибга олиб борди. У ҳам



оёғимнинг у ёқ-бу ёғини босиб, тортиб кўрди-да, нималаридир боғлаб қўйишимизни тайинлади. Шу ётганимча уч ой тўшақдан туролмадим. Кейин-кейин кўлтиқтаёқда сал-пал орадиган бўлдим. Бир кун уйимизга пойтахтда яшайдиган тоғам келиб қолди ва менинг аҳволимни кўриб, уйдагиларни роса койиди. Эртаси кун мени Тошкентга олиб бориб, травматолог шифокорларга қўрсатди. Шундан кейин икки ойча шифохонада ётиб даволандим. Аммо нотўғри муолажа қилингани жиддий таъсир қўрсатгани учун озгина оқсоқланиб юрадиган бўлиб қолдим.

Йиллар ўтди. Бирин-кетин синфдошларим ҳам, кўшни қизлар ҳам келин бўлиб, бахтини топиб кетишди. Афсуски, бизнинг эшигимизни тақиллатиб келган совчилар оёғимда нуқсон борлигини эшитиб, жимиб кетаверишди. Нима қилай, дардим ичимда. Лекин...

Ёшим 32 да. Мени тушунадиган, диёнатли, тақдир ўзимга ўхшаш инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман.

МАЛИКА,
Тошкент вилояти”.

“Газетангизнинг кўп йиллик муҳлисиман. Ҳар ҳафта “Бахтли бўлинг” саҳифасини қолдирмай ўқиб бораман. Кўпчилик сизларнинг беминнат кўмакларингиз туфайли ўз жуфтларини топиб кетаётганини ўқиб суюнаман ва... Балки менинг ҳам бахтимнинг очилишига сабабчи бўларсизлар деган умидда хат ёзишга мажбур бўлдим.

Ёшим 38 да. Турмушга чиқмаганман. Маълумотим ўртамахсус. Албатта, шунча ёшга етган бўлса, нега келинлик либосини кийиш насиб этмаган экан, деган савол сизни қизиқтираётгандир. Наилож, ҳеч ким ўз тақдирини олдидан кўра олмаслигига ўзим энди шоҳид бўлиб тирибман. Тўғри, мактабни битирганимдаёқ уйимизга совчилар кела бошлаган. Лекин, нимасини айтасиз, отам ҳеч қаерда ишламас, пиёниста, кун бўйи уйда ётиб, онам бечоранинг топган пулини ёб ётарди. Мендан катта акам ҳам бор эди. Уни уйлантирган эдик, қудаларимиз зиёли, ўзларига тўқ оила экан. Тўйгача, кейин ҳам иззат-ҳурма-

тимизни жойига қўйишди. Келини ҳам онамнинг акалари топишган эди. Бироқ орадан уч ойча вақт ўтгач, бизлар ишда пайтимиз, қундузи отам келинига дўқондан ароқ олиб келиб беришини талаб қилибди. У ҳайрон бўлганча, бирдан акамга телефон қилиб қақирибди. Ўша кун уйимизда катта жанжал бўлди. Отам пичоқ кўтариб акамга ташланди. Келинимиз бу ҳолатни кўргани захоти қўрққанидан уйига кетиб қолди. Эртаси кун ота-оналари машинада келишиб, лом-лим дейишмади ва судга ариза бериб, қизларини ажратиб олишларини айтиди. Акам ажрашгач, пул топаман деб кўшни давлатга кетганича, қай-

тиб келмади. Онамнинг эса дарди ичида. Оиламиз билан хатто кўни-кўшнлар ҳам борди-келди қилмайди.

Ҳозир отам оғир аҳволда касалхонада ётибди, акамни чақиртирдик, бир ҳафтача туриб, яна қайтиб кетди. У ёқда уйланибди, битта фарзанди бор экан. Кейинроқ мен билан онамни ҳам олиб кетишини айтиди. Лекин мен ўзим туғилиб ўсган юртни ташлаб кетолмайман. Мақтанамас, битта рўзгорни обод қилиш қўлимдан келади. Пазандалик, тикувчилик, ёзувчилик, хуллас, ҳамма юмушларни эплайман.

45 ёшгача бўлган, қўлида хунари бор, уйим-жойим дейдиган савобталаб одам бўлса, тақдиримни боғлашга қарор қилдим.

ГУЛСАЛА,
Хоразм вилояти”.

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевоқиф мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нухаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нухасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Ҳадиси шарифларда ёзилишича, инсонларнинг яхшиси — одамларга фойдаси тегадигани, бошқаларга яхшилик қиладигани экан. Зеро, халқимизда ҳам "Яхшилик кутсанг, яхшилик қилиб қол" маъносига ҳикматли сўзлар кўп айтылади. Аммо яхшиликни кимга, қачон ва қандай қилиш керак, деган саволга жавоб топмай туриб, эзгулик амалларини рўёбга чиқариб бўлмайди.

ЯХШИЛИК

кимга, қачон, қай тарзда қилинади?

Одамларга яхшилик қилиш ҳам бир илм. Бундай "фан"ни ўргатадиган дорилфунун Оила саналади. Аввало, ота-она бошлиқ муҳитда яхшилик илмидан сабоқ олинади. Эзгулик санъатининг алфбоси эса яхши сўздир. Шу боис мурағ қалб эгаси ота-онасидан сўкиш ёки қарғашни эмас, балки илиқ сўз айтишни — қолип эмас, топиб гапиришни ўрганмоқ лозим.

Ишга кетаётсам, қўшнимиз "Домла, яхши бориб келинг!" дея тилак билдирди. Бу ёқимли истақдан кўнглимга нур таралди. Атрофимдагиларга нисбатан меҳр туйғуси, яхшилик қилиш хоҳиши кучайди. Мен ҳам йўлда учраганларга илиқ сўзлар айта бошладим. Ишхонага кираётсам, қоровул акаимиз "Домла, яхши дам олдингизми? Кунингиз хайрли ўтсин, яхши ишланг!" дея кутиб олди. Мендаги ишга чанқоқлик, ҳаётга завқ яна бир неча бор ортди...

Баъзан эса бунинг тескариси бўлади. Бир оғиз ёқимсиз сўздан танангиз зирқирайди, ишдан ҳафсалангиз совийди, бошингизни олиб узоқларга кетгингиз келади. Кишига бундан-да ортиқ ёмонлик бўладими?

Кўча-кўйда баъзи ёшларнинг ўзини кўпол тутиши ва буни табиий ҳол деб билишга гувоҳ бўлаемиз. Асабимиз таранглашади, жадимиз чиқа бошлайди. Бироқ ёшларни айблашга, уришиб ташлашга шошилмайлик. Зеро, худди шу ҳол бизнинг маданиятимизни синовдан ўтказди. Илоҳи борица сабр-бардош билан, яхши сўзлар воситасида бу ишлари ва сўзлари хатолигини ўқтира олсак, марра бизники!

Дарг асосида баъзи талабаларнинг эътиборсизлиги, кераксиз нарсалар билан

машғуллиги жадимни чиқаради. Аммо мен устозман. Жаҳлни яширишда ҳам ибрат бўлишим кераклигини биламан. Шу боис "Она қизим, сенга бундай қилиш ярамайди" ёки "Ҳозир мени хафа қилиб қўйишинг мумкин", дея оғоҳлантираман. Ҳаммаси эгза тушиб кетади, дарс самарали ўтади. Бунга кўрган ёш ўқитувчилар: "Домла, асабингиз бунча мустаҳкам? Интизомсизларни уришиб ташласангиз ё дарсдан чиқариб юборсангиз бўлмайди-

ТАРБИЯ САБОҚЛАРИ

ёққан ёмғир барчага баробар-ку! Сиз ҳам қалбингизни самодай кенг қилинг-у, миннатдан холи бўлган яхши гап, яхши амалларни атрофингизга ёмғирдек ёғдириг, кўёш нуридек таратинг. Бундан энг аввал ўзингиз шод бўласиз. Кувонч эса умрингизни узайтириши шубҳасиз!

Азралашиб юрган одамларни яраштириб қўйиш — улкан савобдир, буюк яхшиликдир. Баъзида ҳатто бир қориндан таллашиб тушган ака-ука ўртасидан ҳам ола мушук ўтади. Ака укасига, ука акасига қачонлардир кўрсатган ёрдамини миннат қилади, кутганидек жавоб қайтмаганидан нолийди, ҳаттоки яхшилик қилгани учун ўзини аҳмоқликда айблади ва бу билан ўзларини беғоналар олдида беобрў қилади. Ҳолбуки, бир оғиз ширин сўз, бир оғиз далда билан бир-бирини кўллаб юборса-ку, олам гулистон! Лекин бунга уларнинг журъати етмайди. Демак, яхшилик қилиш учун ҳам катта кучирода керак экан.

Маҳалламизда бири саксондан, бири элликдан олган ака-ука девор-дармиён яшайди. Улар яқин йигирма йилдирки, худди беғоналардек, бир-бирига терс қараб ёнма-ён эшиқдан кириб чиқади. Бир-бирининг уйига ҳам, тўйига ҳам бормайди. Эҳтимол, улар ҳаётда бошқаларга кўп марта яхшилик қилгандир, аммо ўз жиғарларидан бир оғиз илиқ сўзни аяйдилар, узр сўрашни ўзларига эп билмайдилар. Бундан фақат ўғил-қизлар эмас, набиралар ҳам азият чекади. Кўрдингизми, яхши сўзни, аввало, яқинингиздан аяманг, қўшингиз учун бағрингизни кенг қилинг! Бунга ким биринчи бўлиб журъат топса, савобнинг улуғи шунга бўлгуси, иншооллоҳ.

Ўзгалардан яхшилик кутар эканмиз, дастлаб ўзимизни, тилимизни ислоҳ қилайлик. Буюк немис мутафаккири Гёте таъкидлаганидек: "Биз ўзимизда боодоблик туйғусини ривожлантирмоғимиз керак. Акс ҳолда, кишилар ҳурматини қозониб олган, яна тезда бой бериб қўйишимиз мумкин. Бундай сабоқ одамга ниҳоятда қимматга тушади ва, афсуски, авлодини ҳам бу оғир қарздан қутқаролмайди".

Ҳамдам ТҮЙЧИВ, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман тиббиёт коллежи ўқитувчиси.



ми?" дейишади. Агар шундай қилсак, тилимизни тия олмасак, устозлигимиз қайга боради?

Машҳур ёзувчи Марк Твен "Шовқинсурон ҳеч нимани исботламайди. Тухум қўйган товуқ худди бир кичик сайёрани тук-қандек қақиллайди", деган экан. Дарҳақиқат, биз атрофдагиларга муомала қилаётганимизда босиқлик билан паст товушда сўзласак, ўзимиздан бошқаларни ҳам ҳурмат қила билсак, натижа самаралироқ бўлади. Шу ўринда бир ҳолатни эсламай илож йўқ.

Яхшиликнинг олтин қондаларидан бири — миннат қилмаслик. Кимдир сиз кўрсатган яхшиликни унутгандир, кимдандир кутганингиздек жавоб олмагандирсиз. Хафа бўлманг. Ахир, кўёш ҳам ўзининг ёруғ нурларини беминнат таратади-ку, самодан

Реклама ва эълонлар! Реклама ва эълонлар! Реклама ва эълонлар! Реклама ва эълонлар! Реклама ва эълонлар! Реклама ва эълонлар! Реклама ва эълонлар!

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тўқувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плащ-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тиқиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тиқиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Каштачилик — 3 ой (машинкада вишивка).

Тўқувчилик — 2-3 ой.

Инглиз тили — 3 ой.

Рус тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тиқиш — 2 ой.

Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой.

Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан

Етоқхона мавхуд.

Ўқиниш нўқатларига ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани

3-мавзе 1-уй 31-хона. Мўлжал:

Юнусобод дехқон бозори

орқасида.

Тел: (8371) 221-17-95,

221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан

22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ

Манзил: Ҳамза тумани Фарғона

йўли кўчаси, 4-уй

40-хона. Мўлжал: Кўйлик кийим

бозори рўпарасида.

Тел: (8371) 295-97-82

+99897 785-90-30 (кундузи)

«ZENH-SHANS»

нодавлат таълим муассасаси

Абитурентларни олий ўқув юрталарига ўқишга кириш учун қуйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёт, математика, физика, тарих, инглиз, рус ва немис тили. Машғулотлари фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.

Марказ дарсларнинг юқори даражали сифатига вафолат беради. Назарий ва амалий машғулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»-лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтаюна 3 марта 2 соатдан дарс жадаллига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

Машғулотлар сентябрь ойдан 1 августга — 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Охириги беш йилликда абитурентларимиз 85-90% ўқишга қабул қилинди.

Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, ушбу илмий ўқув марказида рус, инглиз ва немис тилини ўрганиш курслари ҳам бор.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).

Мўлжал: Юнусобод, «Универсам» бекати, Юнусобод дехқон бозори қаршида. «Ўқтамбанк» ёнида.

ТЕЛЕФОНЛАР: 8(371) 221-35-56, 221-86-09.

«ADHAM AUDIT»

ўқув-консультатив маркази тақлиф этади:

35 йиллик бухгалтерлик малакасига эга, айни пайтда фаолият юритаётган бухгалтер-ревизор ўзи яратган махсус интерфакс усул асосида 2 ойда фирмаларга бош ҳисобчилар тайёрлайди.

Ушбу дастурда 0 дан то балансчага ва барча солиқ ҳисобларини тузишгача бўлган ишлар амалга оширилади.

1. Ҳизмат кўрсатиш, улгурчи, чакана савдо-солиқлар бир йўла.

2. Малакали бухгалтерлар учун 1 СТ.7 дастури 6 кунда ўргатилади (80 000 сўм).

3. Фирмалар бухгалтериясини тиклашда кўмаклашаемиз.

4. Иллик баланс тузишда ёрдам берамиз.

Машғулотлар ҳафтасига икки марта икки соатдан 2 ой. Бошланиши соат 9-00, 11-00, 14-00, 16-00 да. Ўн кишилик гуруҳларда 100 000 сўм.

Машғулотларда қатнашганларга махсус сертификат берилади.

Ҳақ тўлаш усули — нақд, пластик картонка ҳамда пул ўтказиш йўли билан.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри

Навой кўчаси, 24,

Мўлжал: «Abdugau» мебель

дўкони, 3-қават.

Мурожаат учун тел: 746-90-15

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оналарни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 237-21-82

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темури кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олий бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1228. Формати А-3, ҳажми 4 табақ, Адади — 7445. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ

Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ

Мусахҳиҳлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,

Гулноза БОБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5